Калит сўзлар: интеллектуал мулк, интеллектуал мулк объектлари, индивидуаллаштириш воситалари, мутлақ ҳуқуқ, хизмат кўрсатиш белгиси, мерос, васиятнома.

Мамараймова Гулрух Махмудовна,
Старший преподаватель кафедры
Гражданского процессуального и экономического
процессуального права Ташкентского
государственного юридического университета
Email: g.mamaraimova@tsul.uz.
ID: 0000-0002-2325-1350

ПРОБЛЕМЫ НАСЛЕДОВАНИЕ ИСКЛЮЧИТЕЛЬНЫХ ПРАВ ТОВАРНОГО ЗНАКА

АННОТАЦИЯ

Вступление интеллектуальной собственности в гражданский оборот ставит вопрос о правовом регулировании их отношений. В частности, правовые аспекты наследования объектов интеллектуальной собственности отражены в гражданском законодательстве. Как известно, Гражданский кодекс регулирует вопросы наследования. Однако здесь не учитываются особенности наследования интеллектуальной собственности. В данной статье анализируется проблема наследования знака обслуживания, интеллектуальной собственности. В результате анализа были даны рекомендации по совершенствованию законодательства о наследовании знаков обслуживания.

Ключевые слова: интеллектуальная собственность, объекты интеллектуальной собственности, средства индивидуализации, исключительных прав, знак обслуживания, наследование, завещание.

Mamaraimova Gulrukh Makhmudovna,
Senior Lecturer of Civil Procedural
and Economic Procedural Law Department
of the Tashkent State University of Law
Email: g.mamaraimova@tsul.uz.
ID: 0000-0002-2325-1350

PROBLEMS ON INHERITANCE OF INTELLECTUAL RIGHTS OF TRADEMARK

ANNOTATION

The entry of intellectual property into civilian circulation raises the question of the legal regulation of their relations. In particular, the legal aspects of the inheritance of intellectual property are reflected in civil law. As you know, The Civil Code of the Republic of Uzbekistan regulates inheritance issues. However, the features of intellectual property inheritance not expressed in the Civil code norms. This article analyzes the problem of inheritance of a service mark, intellectual property. As a result of the analysis, recommendations were given on improving legislation on the inheritance of service marks.

Keywords: intellectual property, objects of intellectual property, means of individualization, exclusive right, trademark, inheritance, will.

For citation: Mamaraimova Gulrukh Makhmudovna. *PROBLEMS ON INHERITANCE OF INTELLECTUAL RIGHTS OF TRADEMARK*. 2019, special vol., issue 2, pp. 21-27

Маълумки, бугунги интеллектуал фаолият натижаларини яратиш билан боғлиқ муносабатлар жадаллик билан ривожланган бир даврда ушбу муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш, интеллектуал фаолият натижалари ва уларга тенглаштирилган объектларнинг мерос бўлиб ўтишини ҳуқуқий тадқиқ қилиш ҳуқуқнинг муҳим вазифаларидан бири.

Хизмат кўрсатиш белгиларига бўлган интеллектуал ҳуқуқларнинг мерос бўлиши масалаларининг тадқиқ қилинишининг долзарблиги бу бугунги кунда мазкур воситаларнинг иқтисодий қиймати билан боғлиқ. Мисол учун биргина McDonald's хизмат кўрсатиш белгисининг қиймати қарийиб 33 миллиард долларни ташкил қилса [2], Starbucks хизмат кўрсатиш белгисининг қиймати 24 миллиард доллардан ортиқни ташкил қилади [1]. Қолаверса мазкур воситаларнинг фуқаролик муомаласидаги сони йилдан-йилга кўпайиб бормоқда. Хусусан, 2017 йилда бутун дунё бўйича trademark (савдо белгиси бўлиб, у ўз ичига товар белгиси ва хизмат кўрсатиш белгисини олади) рўйхатдан ўтказиш учун 12 395 700 талабнома берилган бўлса, 2018 йилда эса 14 321 800 талабнома берилган [8]. Шу сабабли ҳам хизмат кўрсатиш белгиси билан боғлиқ, жумладан ушбу шахсийлаштириш воситасининг мерос бўлиб ўтиши билан боғлиқ муаммоларни таҳлил қилиш ва уларга ечимлар ишлаб чиқиш муҳим ҳисобланиди.

Хизмат кўрсатиш белгисининг мерос масаласи цивилистиканинг долзарб мавзуларидан бири. Ушбу индивидуаллаштириш воситасининг мерос бўлиб ўтиши ва ўтмаслиги тўғрисидаги баҳслар ҳали ҳанузгача ўз якунига етмаган. Айрим олимлар хизмат кўрсатиш белгисининг мерос бўлишини истисно қилишса, кўплаб мутахассислар эса унинг мерос бўлиб ўтишини эътироф қилишади. Хизмат кўрсатиш белгисининг мерос бўлиб ўтишини кўплаб мутахассислар ва илмий тадқиқотчилар ўз асарларида асослаб берган. Хизмат кўрсатиш белгисини мерос бўлиб ўтиши масалаларини мамлакатимизда О.Оқюлов ва З.Бобоқулов илмий жиҳатдан ўрганган, шунингдек хизмат кўрсатиш белгисининг мерос бўлиш масалаларини В.А.Дозарцев [3, С.416], П.П.Баттахов [11, С.25-27; С.42-46], В.В.Костиков [4, С.217], К.Ю.Рождественская [6, С.193], Н.С.Савченко [9, С.79-82], М.П.Мельникова ва В.С.Савина [7, С.182-187], А.Ж.Бертранд, У.Марцеллин, Ж.Гилсон, Д.М.Келли ва бошқа тадқиқотчилар илмий жиҳатдан ўрганган. Мазкур мақолада биз ушбу мутахассисларнинг ишларига муносабат қилганмиз.

М.П.Мельникова ва В.С.Савинанинг фикрига кўра фирма номлари мерос бўлиб ўтмайди [7, С.185]. Ҳақиқатда Россия Федерацияси Фуқаролик кодексининг 1474-моддаси иккинчи қисмига қарайдиган бўлсак, Россия Федерацияси юрисдикцияси доирасида фирма номларининг беганалаштирилиши тақиқланган [5]. Бироқ, шунга қарамадан кўплаб рус олимлари хизмат кўрсатиш белгисининг мерос бўлиб ўтишини эътироф этишади. Хусусан, Н.С.Савченко хизмат кўрсатиш белгисининг мерос бўлиб ўтиши бўйича россия қонунчилигининг ўзига хос жиҳатларини таҳлил қилган. Унга кўра хизмат кўрсатиш белгисига бўлган мутлақ ҳуқуқ мерос бўлиб қоладиган бўлса, меросхўр уни мерос очилганидан сўнг бир йил ичида эгаллаши лозим. Шунингдек, ворис хизмат кўрсатиш белгисини мерос сифатида қабул қилиши учун у яқка тартибдаги тадбиркор ёки юридик шахс бўлиши лозим [9, С.79].

Биз ҳам Н.С.Савченко фикрларига қўшиламасдан иложимиз йўқ. Сабаби хизмат кўрсатиш белгисига нисбатан гувоҳноманинг амал қилиш муддати тугаши билан хизмат кўрсатиш белгисига доир ҳуқуқлар ҳам тугайди [12]. Шу сабабли ҳам хизмат кўрсатиш белгисига нисбатан меросни эгаллашнинг муддати белгилаб қўйилиши мақсадга мувофиқ.

Қолаверса хизмат кўрсатиш белгисининг эгаси тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи субъект бўлиши лозим. Сабаби, Ўзбекистон Республикасининг "Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиққан жой номлари

тўғрисида"ги Қонунининг 3-моддасига кўра, хизмат кўрсатиш белгиси бу бир юридик ва жисмоний шахслар товарлари ва хизматларини бошқа юридик ва жисмоний шахсларнинг шу турдаги товарларидан фарқлаш учун хизмат қиладиган, белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган белгилардир. Мазкур нормадан келиб чиқсак, хизмат кўрсатиш белгисини мерос объекти сифатида қабул қилаётган меросхўр албатта тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган шахс бўлиши лозим. Мамлакатимизда тадбиркорлик субъекти якка тартибдаги тадбиркор, юридик шахс, юридик шахс ташкил қилмаган ҳолда фаолият юритувчи деҳқон хўжалиги ёки оилавий корхона бўлиши мумкин. Хизмат кўрсатиш белгисининг мерос бўлиб ўтишининг юқоридаги ҳуқуқий жиҳатлари қонунчиликда эътиборга олинishi лозим деб ҳисоблаймиз.

Хизмат кўрсатиш белгисининг мерос масаласи Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси, "Хизмат кўрсатиш белгиси, хизмат кўрсатиш белгиси ва товар чиққан жой номи тўғрисида"ги Қонун ҳамда бошқа норматив ҳуқуқий ҳужжатларда белгилаб қўйилган. Хизмат кўрсатиш белгисига бўлган ҳуқуқни бошқа шахсга ўтиши (ФК 1105-моддаси, "Товар белгиси, хизмат кўрсатиш белгиси ва товар чиққан жой номи тўғрисида"ги Қонун 34-модда) тўғрисидаги нормаларни таҳлил қилар эканмиз уларнинг ёки уларга бўлган ҳуқуқларнинг мерос бўлиб ўтиши тўғрисида қоидалар мавжуд эмаслигининг гувоҳи бўламиз. Шундай қилиб хизмат кўрсатиш белгиси ва унга бўлган ҳуқуқларнинг мерос бўлиб ўтиши қонунчиликда аниқ кўрсатилмаганилиги уларнинг мерос бўлиб ўтишини истисно қиладими деган ўринли саволни вужудга келтиради. Йўқ албатта, фуқаронинг вафоти унинг шахси билан бевосита боғлиқ бўлмаган ҳуқуқ ва мажбуриятларидан ташқари бошқа ҳуқуқ ва мажбуриятларининг бекор бўлишига олиб келмайди. Яъни ҳуқуқ эгаси вафот этсада ҳуқуқлар бекор бўлмайди. Мисол учун, мулк эгаси вафот этгани мазкур мулкка бўлган ҳуқуқларнинг бекор бўлишига асос бўлмайди. Балки бу ҳуқуқларга нисбатан ворисликнинг вужудга келишига сабаб бўлади. Худди шунингдек, хизмат кўрсатиш белгиси ва унга бўлган ҳуқуқ эгаларининг вафот этиши мазкур восита ва унга бўлган интеллектуал ҳуқуқларнинг тугатилишига сабаб бўлмайди. Аксинча уларнинг ворислик асосида бошқа шахсларга ўтишига асос бўлади. Яъни мазкур объектнинг мерос бўлиб ўтиши қонунда аниқ кўрсатилмаганилиги унинг мерос бўлиб ўтишини истисно қилмайди.

Хизмат кўрсатиш белгисининг ворислик асосида бошқа шахсларга ўтиши билан боғлиқ муносабатларни тартибга солишга қаратилган махсус нормаларнинг йўқлиги унинг мерос бўлиб ўтишини истисно қилмаслигини юқорида айтиб ўтдик. Хўш биз бу муносабатларни қайси нормалар билан тартибга соламиз. Мазкур муносабатлар фуқаролик ҳуқуқининг ворислик ва интеллектуал мулк объектлари ва уларга бўлган ҳуқуқларнинг бошқа шахсларга ўтказилиши билан боғлиқ умумий нормалардан фойдаланамиз. Хусусан, Фуқаролик кодексининг 1035-моддасида интеллектуал мулк объектига нисбатан мутлақ ҳуқуқлар эгасининг мутлақ ҳуқуқлар мерос бўлиб ўтиши белгиланган. Мазкур нормага асосан, хизмат кўрсатиш белгисига нисбатан мутлақ ҳуқуқлар мерос бўлиб ўтади. Мутлақ ҳуқуқларга тўхталадиган бўлсак, хизмат кўрсатиш белгиси бу интеллектуал фаолият натижаси эмас, бироқ биз уни интеллектуал мулк объектларига тенглаштирган объект сифатида мутлақ ҳуқуқлар режимида ҳуқуқий муҳофаза қиламиз. О.Оқюловнинг фикрига кўра, интеллектуал фаолият натижалари ва индивидуаллаштириш воситаларини[13] бирлаштирувчи ҳолат шуки, уларнинг ҳар иккисига нисбатан ҳам ҳуқуқ

соҳибларининг мутлақ ҳуқуқлари тўғрисидаги қоидалар амал қилади [12, С.369].

Фуқаролик кодексининг 1034-моддасида мутлақ ҳуқуқлар белгилаб қўйилган. Унга кўра интеллектуал фаолият натижасига ёки хусусий аломатларни акс эттирувчи воситага [14] нисбатан мулкӣ ҳуқуқлар эгасига ана шу интеллектуал мулк объектдан ўз хоҳишига кўра ҳар қандай шаклда ва ҳар қандай усулда мутлақ қонуний фойдаланиш ҳуқуқи тегишли бўлади. Ҳуқуқ эгасига мутлақ ҳуқуқ асосида тегишли бўлган интеллектуал мулк объектларидан бошқа шахсларнинг фойдаланишига фақат ҳуқуқ эгасининг рухсати билан йўл қўйилади. Интеллектуал мулк объектга нисбатан мутлақ ҳуқуқ эгаси бу ҳуқуқни бошқа шахсга тўлиқ ёки қисман ўтказишга, интеллектуал мулк объектдан бошқа шахс фойдаланишига рухсат беришга ҳақли ва уларни бошқача тарзда тасарруф этишга ҳақли. Мазкур нормага асосан, хизмат кўрсатиш белгисининг ҳуқуқӣ муҳофазаси мутлақ ҳуқуқлар режими орқали амалга оширилади.

Моддий объектларга нисбатан мулкӣ ҳуқуқлар тизимида мулк ҳуқуқ қандай асосӣ рол ўйнаса, интеллектуал мулк объектларига нисбатан мулкӣ ҳуқуқлар тизимида мутлақ ҳуқуқлар ҳам худди шундай функцияни бажаради. Мулк ҳуқуқи ва мутлақ ҳуқуқлар конструкцияси муайян умумийликка эга. Унга кўра мулк ҳуқуқи ёки мутлақ ҳуқуқ эгаси мазкур ҳуқуқлардан фойдаланиш ва уларни тасарруф қилиш ҳуқуқига эга [12, С.378-379].

Интеллектуал мулк ҳуқуқининг умумӣ қоидаларига кўра хизмат кўрсатиш белгиси нисбатан мутлақ ҳуқуқлар мерос бўлиб ўтиши мумкин. Ҳақиқатда Фуқаролик кодексининг 1035-моддасига асосан, интеллектуал мулк объектларига нисбатан мутлақ ҳуқуқлар мерос бўлиб ўтиши мумкин. Хизмат кўрсатиш белгиси Фуқаролик кодексининг 1031-моддасига асосан, интеллектуал мулк объекти ҳисобланади. Бироқ умумӣ қоидалар билан хизмат кўрсатиш белгисига нисбатан мутлақ ҳуқуқларнинг мерос бўлиб ўтиши масалаларини тўлиқ ҳал қилишнинг имкони йўқ. Юқоридаги таҳлиллардан келиб чиқиб биз қуйидаги таклиф ва тавсияларни илгари сураимиз.

Биринчидан, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 1105-моддаси биринчи қисми қуйидаги мазмунда қайта таҳрир қилиниши лозим: Гувоҳномада кўрсатилган товарлар, ишлар ва хизматларнинг барча гуруҳларига ёки бир қисмига нисбатан хизмат кўрсатиш белгисига бўлган ҳуқуқни унинг эгаси шартнома асосида бошқа шахсга бериши мумкин. Шунингдек, бу мутлақ ҳуқуқлар мерос бўлиб ва юридик шахс - ҳуқуқ эгаси қайта ташкил этилганда ҳуқуқӣ ворислик тартибида ўтади.

Иккинчидан, юқоридаги таклиф инобатга олиндиган бўлса, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 1145-моддаси ҳам қуйидаги мазмундаги иккинчи қисм билан тўлдирилиши лозим. 1145-модда. Умумӣ қоидалар. Меросхўр ўзига тегиши лозим бўлган меросни ёки унинг бир қисмини (улушини) олиш ҳуқуқига, агар у кейинчалик меросдан воз кечмаса, ворислик ҳуқуқидан маҳрум этилмаса ва уни меросхўр этиб тайинлаш тўғрисидаги васият фармойиши ҳақиқӣ эмас деб топилши натижасида мерос олиш ҳуқуқини йўқотмаса, мерос очилган вақтдан эътиборан эга бўлади. Қонунда айрим турдаги объектларни мерос сифатида эгаллаш муддатлари белгилб қўйилиши мумкин.

Учинчидан, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси қуйидаги мазмундаги 1105¹-модда билан тўлдирилиши лозим. 1105¹-модда. Хизмат кўрсатиш белгисига бўлган ҳуқуқларнинг мерос бўлиб ўтиши. Хизмат кўрсатиш белгиси мутлақ эгаси

ёки шартномас асосида хизмат кўрсатиш белгисига бўлган ҳуқуқ эгаси вафот этган тақдирда мазкур ҳуқуқлар васият ёки қонун бўйича мерос бўлиб ўтади. Бунда мерос очилган вақтдан бошлаб бир йил ичида хизмат кўрсатиш белгисига бўлган ҳуқуқлар мерос сифатида қабул қилиниши лозим.

Хизмат кўрсатиш белгисига нисбатан ҳуқуқлар мерос очилган пайтда ҳаёт бўлган фуқаролар, шунингдек мерос қолдирувчининг ҳаётлик пайтида ҳомила ҳолида бўлган ва мерос очилгандан кейин тирик туғилган болалари, агар тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланган тақдирда васият ва қонун бўйича меросхўр бўлишлари мумкин. Мерос очилган пайтда тузилиб бўлган юридик шахслар, шунингдек давлат ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳам васият бўйича меросхўр бўлишлари мумкин.

Тўртинчидан, юқоридаги таклиф инобатга олинандиган бўлса, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 1118-моддаси ҳам қуйидаги мазмундаги иккинчи қисм билан тўлдирилиши ва амалдаги иккинчи қисм тегишинча учинчи қисм деб ўқилиши лозимлигини таклиф қиламиз.

1118-модда. Меросхўрлар.

Мерос очилган пайтда ҳаёт бўлган фуқаролар, шунингдек мерос қолдирувчининг ҳаётлик пайтида ҳомила ҳолида бўлган ва мерос очилгандан кейин тирик туғилган болалари васият ва қонун бўйича меросхўр бўлишлари мумкин.

Қонунда айрим турдаги объектларни мерос сифатида эгаллаш учун меросхўрга нисбатан қўйшимча талаблар белгиланиши мумкин.

Мерос очилган пайтда тузилиб бўлган юридик шахслар, шунингдек давлат ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳам васият бўйича меросхўр бўлишлари мумкин.

Иқтибослар/Сноски/References

1. Annual Report 2018 on SEC Filing Form 10-K (англ.). Starbucks Corporation (16 November 2018). Дата обращения 10 октября 2019.

2. Bomkamp, Samantha (June 13, 2016). "McDonald's HQ Move Is Boldest Step Yet in Effort to Transform Itself". Chicago Tribune. Retrieved May 1, 2017.

3. В.А. Дозорцев. Интеллектуальные права: Понятие. Система. Задачи кодификации: сборник статей // Исследовательский центр частного права. - Москва, 2005. -С. 416с. (V.A.Doziertsev. Intellectual property rights: The concept. The system. Tasks codification. Collection of articles. Private law research center. Moscow, 2005. -P. 416p).

4. В.В.Костиков. Наследование интеллектуальных прав. Диссертации на соискание ученой степени кандидата юридических наук. - Москва, 2017. -С. 217с. (V.V. Kostikov. Inheritance intellectual property rights. Dissertation. Moscow, 2017. -P. 217p).

5. Гражданский кодекс Российской Федерации (от 18.12.2006 N 230-ФЗ (ред. от 18.07.2019)). // http://www.consultant.ru/document/cons_doc_LAW_64629 (Civil Code of Russian (dated December 18, 2006 N 230-ФЗ (as amended on July 18, 2019)). // http://www.consultant.ru/document/cons_doc_LAW_646290)

6. К.Ю.Рожественская. Особенности наследования авторских прав. Диссертации на соискание ученой степени кандидата юридических наук. - Москва, 2013. -С. 193с. (K.Yu.Rojdestvenskaya. Qualities of inheritance copyrights Dissertation. Moscow,

2013. -Р. 193р).

7. М.П. Мельникова, В.С. Савина. Проблемы наследования интеллектуальных прав на результаты творческой деятельности и приравненные к ним объекты. Журнал: Юридические науки. -Москва, 2017.- С. 182-187с. (M.P. Melnikova and V.S.Savina. Problems of inheritance of intellectual rights to the results of intellectual activity and objects equated to them. Journal: Jurisprudence. Moscow, 2017. -P.182-187p).

8. Мировые показатели деятельности в области интеллектуальной собственности: в 2018 году число заявок на регистрацию патентов, товарных знаков и промышленных образцов достигло рекордных уровней (Worldwide performance in the field of intellectual property: in 2018, the number of applications for registration of patents, trademarks and industrial designs reached record levels) // https://www.wipo.int/pressroom/ru/articles/2019/article_0012.html

9. Н.С. Савченко. К Вaпpосу о наследовании интеллектуальных прав. Вестник ЮУрГУ. Серия "Право", 2014, том 14, № 2. - Челябинск, 2014. -С. 79-82с. (N.S.Savchenko. Question on the inheritance of intellectual rights. Bulletin of South Ural State University. Series "Law", 2014, volume 14, № 2. - Chelyabinsk, 2014. -P. 79-82p.)

10.О.Оқюлов. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига шарҳлар. 3-жилд. - Тошкент, Вақтрия Press, 2013. -Б. 369, 378-379. (O.Okyulov. Comments to the Civil Code of the Republic of Uzbekistan. Volume 3 - Tashkent, Baktria Press, 2013. -P. 369, 378-379p)

11.П.П. Баттахов. Право интеллектуальной собственности в предпринимательстве: проблемы теории и практика. Автореферат диссертации на соискание ученой степени доктора юридических наук. - Москва, 2016. -С. 8, 12-13, 25-27, 42-46с. (P.P.Battaxov.Intellectual Property Law in Entrepreneurship: Problems of Theory and Practice. Abstract of dissertation for the degree of Doctor of Law. Moscow. -P. 12-13, 25-27, 42-46p)

12.Ўзбекистон Республикасининг "Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиққан жой номлари тўғрисида"ги Қонуни 25-моддаси // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 й., 9-10-сон, 178-модда. (Article 25 of the Law of the Republic of Uzbekistan "On Trademarks, Service Marks and Appellations of Origin" // Bulletin of the Oliy Majlis of the Republic of Uzbekistan, 2001, Number of 9-10, Art)

13.Хизмат кўрсатиш белгиси индивидуаллаштириш воситаси ҳисобланади (ЎзР ФК 1031-модда).


14.Хусусий аломатларни акс эттирувчи восита - бу индивидуаллаштириш воситаси.

ҲУҚУҚИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ ЖУРНАЛ ПРАВОВЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ JOURNAL OF LAW RESEARCH

**12.00.03 ГРАЖДАНСКОЕ ПРАВО. ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬСКОЕ ПРАВО.
СЕМЕЙНОЕ ПРАВО. МЕЖДУНАРОДНОЕ ЧАСТНОЕ ПРАВО**

Тешабоев Акбаршоҳ Адхамжон ўғли,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси
хузуридаги Қонунчилик муаммолари
ва парламент тадқиқотлари институти
Бош илмий ходими
E-mail: shoh.akbarshoh@mail.ru

ХОРИЖИЙ МАМЛАКАТЛАРДА ТАБИИЙ ГАЗНИ ЕТКАЗИБ БЕРИШ ШАРТНОМАСИНИ ТУЗИШ ТАРТИБИ ВА МИЛЛИЙ ҚОНУНЧИЛИГИМИЗГА НИСБАТАН ҚИЁСИЙ ТАҲЛИЛИ

 DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9130-2019-13-4>

АННОТАЦИЯ

Мақолада истеъмолчиларга шартнома асосида табиий газ етказиб бериш бўйича хорижий давлатлар тажрибаси, табиий газни етказиб бериш шартномасини тузиш жараёнлари, ушбу шартномаларни тузишнинг ҳуқуқий ва иқтисодий аҳамияти, хорижий давлатлар тажрибаси асосида ушбу муносабатларни такомиллаштириш бўйича илмий асосланган таклифлар илгари сурилган.

Калит сўзлар: табиий газ, табиий газни етказиб бериш шартномаси, таъминотчи, истеъмолчи, мажбурият, оқилона фойдаланиш.

Тешабоев Акбаршоҳ Адхамжон ўғли,
Главный научный сотрудник Институт проблем
законодательства и парламентских исследований
при Олий Мажлисе Республики Узбекистан
E-mail: shoh.akbarshoh@mail.ru

ПОРЯДОК СОСТАВЛЕНИЯ ДОГОВОРА О ПОСТАВКЕ ПРИРОДНОГО ГАЗА В ЗАРУБЕЖНЫХ СТРАНАХ И ЕГО СРАВНИТЕЛЬНЫЙ АНАЛИЗ В ОТНОШЕНИИ НАШЕГО НАЦИОНАЛЬНОГО ЗАКОНОДАТЕЛЬСТВА

АННОТАЦИЯ

В статье раскрыт опыт зарубежных стран по поставке природного газа потребителям, процесс составления договора по поставке природного газа, описаны значительные стороны правовых и экономических аспектов составления договоров, продвинуты научно обоснованные предложения по улучшению этих отношений на основе опыта зарубежных стран.

Ключевые слова: природный газ, договор по поставке природного газа, поставщик, пользователь, обязательство, рациональное использование.

Teshaboev Akbarshokh Adxamjon ogli,
Chief researcher of Legislation and
Parliamentary Research Institute under
the Oliy Majlis of the Republic of Uzbekistan
E-mail: shoh.akbarshoh@mail.ru

THE PROCEDURE OF DRAFTING OF GAS SUPPLY CONTRACT IN FOREIGN COUNTRIES AND COMPARATIVE ANALYSIS TO OUR NATIONAL LEGISLATION

ANNOTATION

The article gives information about the experience of foreign countries in the supply natural gas to consumers, the process of drafting contracts for the supply of natural gas, described legal and economic aspects of concluding natural gas supply contracts, giving scientific proposals to improve these relations are made based on the experience of foreign countries.

Keywords: natural gas, gas supply contract, supplier, consumer, obligation, rational use.

For citation: Teshaboev Akbarshokh Adxamjon ogli. *THE PROCEDURE OF DRAFTING OF GAS SUPPLY CONTRACT IN FOREIGN COUNTRIES AND COMPARATIVE ANALYSIS TO OUR NATIONAL LEGISLATION. 2019, special vol., issue 2, pp. 28-34*

Табиий газдан оқилона фойдаланиш ўз долзарблиги билан иқтисодий ва ижтимоий жиҳатдан аҳамиятга молик масаладир. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев бошчилигида табиий газни қазиб олиш, истеъмолчиларга етказиб бериш ва истеъмол қилиш жараёни устидан самарали назоратни амалга ошириш борасида кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда. Хусусан, 2017 - 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини "Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили"да амалга оширишга оид Давлат дастурининг 50-бандида "миллий иқтисодиётнинг ривожига жиддий тurtки берадиган соҳалардан бири сифатида нефть-газ, электр энергетика ва кимё соҳаларини ўрта муддатда ривожлантириш ҳамда ислоҳ қилиш асосий йўналиш ва индикаторлардан бири этиб белгиланган"[1]. Шу мақсадда, барча энергия ресурслари қаторида табиий газни ишлаб чиқариш, уни истеъмол қилиш, табиий газдан маиший ва саноат ишлаб чиқариши жараёнларида оқилона фойдаланиш борасидаги шартномавий

муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Бугунги кунда хорижий мамлакатларда табиий газ етказиб бериш шартномасини такомиллаштириш бўйича кўплаб янгиликлар илгари сурилмоқда. Хусусан, 2018 йилда АҚШнинг Жанубий Техас университети тадқиқотчи олимлари томонидан халқаро газ етказиб бериш шартномасини тузиш бўйича изланиш ишлари олиб борилди. Ушбу изланиш натижасида газ етказиб бериш ва ундан фойдаланиш масаласи янгича метод - оқилона тадқиқот методи (rational analysis) асосида ўрганилди [2, с.37.].

Табиий газдан фойдаланишни шартномавий тартибга солишни назорат қилиш борасида хорижий давлатларда ўзига хос тартиблар ўрнатилганлигини кўришимиз мумкин. Хусусан, АҚШда табиий газ етказиб бериш ва ундан фойдаланиш муносабатлари федерал миқёсда АҚШ Энергетика вазирлиги томонидан тартибга солинади ва бошқарилиб борилади. Табиий газни етказиб бериш шартномасидан келиб чиқадиган федерал миёсдаги низоларда истеъмолчиларнинг шартномавий ҳуқуқларини Федерация савдо комиссияси амалга оширади. Ўзбекистон Республикасидан фарқли равишда АҚШда табиий газга нисбатан давлат монополияси ўрнатилмаган. Аксинча, табиий газ етказиб бериш масалалари хусусий компаниялар томонидан амалга оширилади. Бунинг учун улар Энергетика вазирлигидан тегишли лицензияни олишлари талаб этилади.

АҚШда "Газ сотиш ва қабул қилиб олиш шартномаси" (Gas sales and purchase agreement) бизнинг "Табиий газни етказиб бериш ва қабул қилиб олиш" шартномасидан куйидаги жиҳатлари билан фарқ қилади:

биринчидан, шартномадаги тарафларнинг, яъни таъминотчи ва истеъмолчининг юридик манзили, ҳисоб рақами, алоқа воситалари тўғрисидаги ва бошқа маълумотлари "Шартноманинг мавзуси" деб номланган биринчи бобда ёзилади. Агар бизнинг Намунавий шартномага эътибор қаратадиган бўлсак, ушбу маълумотларни шартноманинг "Томонларнинг банк реквизитлари ва манзили" деб номланган XI бобида ёзилиши белгиланганлигини кўришимиз мумкин.

иккинчидан, АҚШнинг 51 та штатида ўз шароитидан келиб чиққан ҳолда "Газ сотиш ва қабул қилиб олиш шартномаси"нинг намунавий шаклини ўзи тасдиқлайди. Мисол учун, Нью Йорк штатининг ушбу шартномадаги шартлари Даллас штати ёки Вашингтон штатининг шундай туркумдаги шартномаларидан фарқланиб, ажралиб туради. Агар форс-мажор ҳолатларининг Нью Йорк штати шартномасининг 7-бандида 18 та ҳолат санаб ўтилган бўлса, Аризона штатининг шартномаси 7.3-бандида 11 та ҳолат, Канзас штати шартномасининг 6.1-бандида 15 та ҳолат белгиланган, Невада штати шартномасининг 7-бандида умумий маънода "форс-мажор ҳолатлари" бирма-бир санаб ўтилмай ушбу жумланинг ўзи ёзилганлигини кўришимиз мумкин[3, с. 97.].

учинчидан, АҚШ қонунчилигининг яна бир ўзига хос қизиқ жиҳати шундаки, Нью Йорк штатининг "Газ сотиш ва уни қабул қилиб олиш" шартномасининг 7-бандида "табиий офат ҳолатларининг юз бериши" ҳақидаги жумла "Худонинг иродаси" билан содир бўладиган ҳолатлар дея белгиланганлигини кўришимиз мумкин. Бундан ташқари, унда шартнома тарафлар ўртасида тузилганлиги ҳақидаги умумий қисмдаги маълумотлардан олдин "ушбу шартнома Худонинг гувоҳлигида тузилган", деган ажойиб ва ғайритабиий жумлани ёзилганлигини кўришимиз мумкин. Ўзбекистон Республикасининг миллий қонунчилигида эса бундай тарздаги образли ташбеҳларни ишлатиш юридик тил қонуниятларига зид ҳисобланади. Бу

ҳолат ҳам азал-азалдан шаклланиб келаётган икки ҳуқуқий тизимга мансуб бўлган давлатлар қонунчилигидаги фарқланувчи хусусиятлар ҳисобланади.

тўртинчидан, АҚШнинг табиий газдан фойдаланиш соҳасини тартибга соладиган қонун ҳужжатларида ҳаволаки нормалар бизникига қараганда анчайин кам, деярли йўқ. Агар бизнинг "Табиий газ етказиб бериш ва қабул қилиб олиш шартномаси"нинг бандларига эътибор берадиган бўлсак, унинг ҳар бир бандида "ва бошқа ҳолатлар", "бошқа қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади", "ўзгача муддатлар назарда тутилиши мумкин", "тўлов турларининг бошқача турлари ҳам қўлланилиши мумкин" деган умумий жумлаларни кўришингиз мумкин. Шу сабабли, иложи борича мазкур шартномаларда юқоридаги каби умумий жумлаларни камроқ ишлатадиган бўлсак ёки улардан воз кечган ҳолда шартномаларни тузадиган бўлсак, соҳада юзага келаётган муаммоли ҳолатларнинг олдини олган бўлар эдик.

Юқоридаги фарқли жиҳатлар билан бир қаторда бир нечта ўхшаш ҳолатлар ҳам белгиланган. Хусусан, чакана ва улгуржи истеъмолчиларга табиий газ етказиб бериш шартномалари ҳар бир штатда "Маҳаллий газ таъминоти ташкилотлари" томонидан тузилади ва рўйхатдан ўтказилади[4, с. 24.]. Бундан ташқари, истеъмолчининг шартнома шартларини бузганлиги сабабли газ тизимидан узиб қўйиш бўйича огоҳлантириш муддатлари ҳудди бизники каби 15 кунлик муддатни ташкил этади.

Украина Республикасида табиий газдан фойдаланиш ва уни тартибга солиш муносабатлари Украина Республикасининг "Табиий газ бозори тўғрисида"ги, "Истеъмолчилар ҳуқуқлари тўғрисида"ги қонунлари, Украина фуқаролик кодексининг 633-643 моддалари ва 2015 йил 30 сентябрда қабул қилинган № 2196-сонли "Табиий газ сотиш ва етказиб бериш Қоидалари" билан тартибга солинади.

Айтиб ўтиш керакки, Украина Республикасининг табиий газдан фойдаланишга оид шартномавий қонунчилиги бошқа давлатларникига қараганда Ўзбекистон Республикасининг шартномавий тартибларига жуда яқин. Негаки, Украинанинг табиий газ етказиб бериш ва қабул қилиб олиш шартномаси икки хил тарзда, яъни улгурчи ва чакана истеъмолчиларга газ сотиш каби турларга бўлинади. Бундан ташқари, газ ҳисоблагич приборларини кўздан кечириб туриш муддатлари, газ тизимидан узиб қўйишнинг ҳолатлари айнан бизнинг қоидалар билан бир хил.

Россия Федерациясида "Истеъмолчиларга табиий газ етказиб бериш шартномаси"нинг янги таҳрири 2012 йилда "Газпром"ОАЖ бошқаруви томонидан тасдиқланган. Ушбу Намунавий шартноманинг кириш қисмида 4 та тушунчага таъриф берилган бўлиб, булар: газ, ҳисоблаш даври, иситиш майдони ва газ тақсимлаш ташкилоти тушунчаларидир[5]. Агар эътибор берадиган бўлсак, АҚШнинг бирорта штатидаги шундай шартномада ёки Украинанинг шундай турдаги шартномаларида "иситиш майдони" деган тушунчанинг таърифи ёритиб берилганлигини кўрмаймиз. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган "Табиий газни етказиб бериш ва қабул қилишнинг намунавий шартномаси"да бирорта тушунчага таъриф берилмаган. Айнан шунинг учун ҳам бизда табиий газдан оқилона фойдаланишда муаммолар талайгина. Шу сабабли, хорижий давлатларнинг табиий газга доир шартномавий муносабатларни тартибга солиш борасидаги тажрибасини инобатга олган ҳолда, керакли тушунчаларнинг таърифини, зарур ва мураккаб бўлган техник ҳамда шартномавий механизмларни содда ва аниқ тарзда намунавий шартноманинг умумий қисмида

белгилаш мақсадга мувофиқдир.

Яна шуни айтиб ўтиш керакки, турли давлатларда "Табиий газ етказиб бериш ва қабул қилиш шартномаси" нафақат номланишидан, балки, ҳажми жиҳатидан ҳам фарқ қилади. Хусусан, РФнинг "Истеъмолчиларга табиий газ етказиб бериш шартномаси" жами 7 боб, Украина Республикасининг шартнома (Поставки природного газа бытовым потребителям)си 11 бобдан, Нью Йорк штати 9 бобдан, Невада штати 10 бобдан, Канзас штати 8 бобдан иборат эканлигини кўришимиз мумкин[6, с. 231].

Хориж мамлакатларида табиий газни етказиб бериш ва қабул қилиб олишга доир олди-сотди шартномаларини тузиш жараёнида кўплаб муаммолар борлиги тадқиқот давомида аниқланди. Хусусан, Франция Республикасида табиий газ етказиб бериш шартномасини тузиш ва давлат рўйхатидан ўтказиш учун аниқ муддатнинг белгиланмаганлиги, Қатар давлатида 51 кун, Нигерияда 80-100 кун, Тринидад ва Тобагго давлатида 65 кун вақт талаб этилиши каби ҳолатлар мавжуд. Энди, тасаввур қилиб кўрайлик, агар биргина шартномани тузиш ва уни давлат рўйхатидан ўтказиш учун камида 50 кун, кўпи билан 100 кун вақт талаб этиладиган[7, с.74.] бўлса, у ҳолда очикчасига коррупция каби жиноятларнинг юзага келишига имконият туғилмайдими?

Статистик маълумотларга кўра, 2016-2017 истеъмол йили давомида умумий истеъмолчиларнинг 45 фоизи шартномавий мажбуриятни бажармаганлиги сабабли улар билан тузилган 3 мингдан зиёд шартномалар муддатидан олдин бекор қилинган ва давлатнинг умумий захирасидаги табиий газ миқдорининг қарийб 1 фоизи беҳудага исроф этилган. Ҳудди шундай ҳолат Испанияда 18 фоизни ташкил этиб, умумий зарар 11 млрд евро, Португалияда 20 фоизни ташкил этиб, шартномавий зарар 17 млрд евро ташкил этган. Яна айтиб ўтиш керакки, Жазоир давлатида 2016 йилда табиий газдан истеъмолчилар нооқилона фойдаланиши натижасида йўқотишлар ҳисоби 14 млрд куб.мни ташкил этган.

Халқаро савдо муносабатларида табиий газ муҳим даромад манбаи ҳисобланади. Шу сабабдан, газ олди-сотди шартномасига нисбатан қўйиладиган талаблар ва тартиб анчайин мукамал бўлиши талаб этилади. Негаки, шартномадаги бир давлатнинг ўз шартномавий мажбуриятига нисбатан бепарво бўлиши жуда катта миқдордаги зарарга ёки турли кўнгилсизликларга олиб келиши шубҳасиз. Бу гапларнинг илмий ва назарий жиҳатлари А.С.Сизоненко томонидан тўлиқ очиб берилган. Шундай ҳолатлардан бири 2012 йилда содир бўлган бўлиб, Россиянинг

"Газпром" ОАЖ томонидан Европа Иттифоқи таркибидаги мамлакатларга газ етказиб бериш бўйича шартнома тузилган. Бироқ Европа Иттифоқи мамлакатлари шартномада белгиланганидек, газни қабул қилиб олиш пунктида носозликка эътибор бермаганликлари боис етказиб берилган табиий газнинг 41,5 млрд куб.м ҳажми ҳавога учишига сабаб бўлган[8, с. 477.]. Ушбу ҳолат юзасидан тарафлар ўртасида ҳозирга қадар зарарни қоплаб бериш бўйича низолар давом этаётганлигини кўришимиз мумкин. Шу сабабдан айтмоқчимизки, газ олди-сотди шартномалари шартларини тузишдаги масъулиятсизлик катта йўқотишларга олиб келади. Натижада эса катта миқдордаги табиий газ исроф этилади. Шунинг учун давлатлар ўртасида тузиладиган табиий газ олди-сотди шартномаларини бажариш учун "шартномавий маданият" тушунчасига катта эътибор қаратиш лозим.

Табиий газдан фойдаланиш ва ушбу муносабатларнинг асоси бўлган "Табиий газ етказиб бериш ва қабул қилиш шартномаси" бир нечта давлатларга нисбатан

қийёсий тарзда ўрганиб шуни аниқладикки, ҳеч бир давлатнинг шартномасида "оқилона фойдаланиш" ёки "оқилоналик истъомол қилиш" деган тушунчалар белгиланмаган. Бу шуни англатадики, табиий газдан фойдаланишда оқилоналикка риоя қилиш, табиий газни тежаш ва уни исроф этмаслик масаласи, нафақат Ўзбекистонда, балки, бошқа хорижий давлатларда ҳам тадқиқ этилиши ва такомиллаштирилиши лозим бўлган долзарб масала ҳисобланади.

Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда, чакана ва улгуржи чакана ва улгуржи истъомолчиларга табиий газ етказиб бериш шартномаларини такомиллаштириш, унда барча зарурий тушунчаларнинг таърифларини белгилаш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Хориж давлатларида юқоридаги каби муаммолар учраётган бир вақтда бугунги кунда республикаимиз аҳолисининг табиий газ билан таъминланганлик даражаси 83,2 фоизни ташкил этмоқда. Бу нафақат Ўрта Осиёда, балки дунёдаги энг юқори кўрсаткичлардан биридир. Чунки ривожланган мамлакатларда аҳоли истъомол қиладиган табиий газ миқдори 20 фоиздан ошмайди[9]. Ушбу юқори кўрсаткични сақлаб қолиш ва табиий газни тежаш учун эса истъомолчиларимизда, аввало, истъомолчилик маданиятини, шартномавий шартларни бажаришга нисбатан тўғри муносабатни ва оқилона фойдаланиш тўғрисидаги тушунчаларни шакллантиришимиз даркор.

Иқтибослар/Сноски/References

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 январдаги 2017 - 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини "Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили"да амалга оширишга оид Давлат дастури тўғрисидаги ПФ-5635-сонли Фармони. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2019 й., 3-сон, 41-модда. ("Decree of the President of the Republic of Uzbekistan On the Action Strategy for the Further Development of the Republic of Uzbekistan", dated January 17, 2019, № UP-5635. Collection of the legislation of the Republic of Uzbekistan, 2019, №. 3, 41 article).

2. International Energy Agency (2018): Security of Gas Supply in Open Markets - LNG and Power at a Turning Point. Paris, OECD.

3. Neuhoff, Karsten, and Christian von Hirschhausen (2005): Long-term Contracts for Gas Imports - A Theoretical Perspective. Cambridge, CMI Working Paper.

4. Мировая экономика. Под ред. проф. А.С. Булатова.- М.: Юристъ, 2003. (World economy. Ed by prof. A.S. Bulatova.- M.: Lawyer, 2003.).

5. Carvajal, A., Deb, R., Fenske, J., and Quah, J.K.?H, 2010. Revealed Preference Tests of the Cournot Model. Department of Economics Discussion Paper Series, Number 506.

6. А.С.Сизоненко. Методологические основы совершенствования управления газовой промышленностью в современных условиях хозяйствования. Волгоград 2001 Издательство Волгоградского государственного университета, 2001. (A.S. Sizonenko. Methodological basis for improving the management of the gas industry in modern business conditions. Volgograd 2001 Publishing House of Volgograd State University, 2001.).

7. Michael J., and Daniel F. Spulber (2014): Open Access and the Evolution of the

US Spot Market for Natural Gas. Journal of Law and Economics, Vol. 27, 477-517.

8. <http://www.WN.com>


9. "Ўзбекнефтегаз" миллий холдинг компаниясининг расмий веб сайти www.ung.uz маълумотлари (Informations of official website of Uzbekneftegaz National Holding Company www.ung.uz).

ҲУҚУҚИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ ЖУРНАЛ ПРАВОВЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ JOURNAL OF LAW RESEARCH

**12.00.06 ПРИРОДОРЕСУРСНОЕ ПРАВО. АГРАРНОЕ ПРАВО.
ЭКОЛОГИЧЕСКОЕ ПРАВО**

Нарзуллаев Олим Холмаматович,
Тошкент давлат юридик университети
"Фуқаролик процессуал ва иқтисодий процессуал
ҳуқуқи" кафедраси доценти
юридик фанлар номзоди
E-mail: nau-xau@mail.ru

МАДАНИЙЛАШТИРИЛГАН БИОЛОГИК РЕСУРСЛАР: МИЛЛИЙ ҚОНУНЧИЛИКНИНГ РИВОЖЛАНИШ ТЕНДЕНЦИЯСИ

 DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9130-2019-13-5>

АННОТАЦИЯ

Биологик ресурсларни муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш соҳасида экология ҳуқуқи назариясининг янада тараққиётига хизмат қиладиган энг муҳим масалалар ўрганилган. Ушбу мақолада маданийлаштирилган биологик ресурслар тушунчаси, мазмуни, маданийлаштирилган биологик ресурслар тавсифи, шунингдек, ҳуқуқий тартибга солиш масалалари, манбалари ўрганилади. Биологик хилма-хиллик, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, ўрмонлардан фойдаланиш ҳамда экологик хавфсизликни таъминлаш, экологик сиёсат, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш билан боғлиқ масалалар ўз аксини топган.

Калит сўзлар: экология, экологик барқарорлик, экологик хавфсизлик, инновация, давлат мулк ҳуқуқи, тенденция, гибрид, биологик хилма-хиллик, биологик ресурслар, маданийлаштирилган биологик ресурслар, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, табиий заҳиралар, ген инженерияси, генетика.

Нарзуллаев Олим Холмаматович,
Доцент кафедраси "Гражданское процессуальное и
экономическое процессуальное право" Ташкентского
государственного юридического университета,
кандидат юридических наук.
E-mail: nau-xau@mail.ru

КУЛЬТУРНЫЕ БИОЛОГИЧЕСКИЕ РЕСУРСЫ: ТЕНДЕНЦИЯ

РАЗВИТИЯ НАЦИОНАЛЬНОГО ЗАКОНОДАТЕЛЬСТВА

АННОТАЦИЯ

В области охраны и использования биологических ресурсов изучаются наиболее важные вопросы, способствующие дальнейшему развитию теории экологического права. В данной статье предлагается рассмотреть содержание понятия культивируемых биологических ресурсов, классификацию культивируемых биологических ресурсов, а также источники правового регулирования. Биоразнообразие, флоры и фауны, продовольственной безопасности, использования лесов и экологической безопасности, природоохранной политики и рационального использования природных ресурсов.

Ключевые слова: Экология, экологическая устойчивость, экологическая безопасность, инновации, общественная собственность, тенденция, гибридный биоразнообразие, биологические ресурсы, культурные биологические ресурсы, флора и фауна, природные ресурсы, геновая инженерия, генетика.

Narzullaev Olim Kholmamatovich,

Associate Professor of "Civil Procedural and Economic Procedural Law" Department of the Tashkent State University of Law, PhD in Law.

E-mail: nau-xau@mail.ru

CULTURED BIOLOGICAL RESOURCES: TENDENCY OF DEVELOPMENT OF NATIONAL LEGISLATION

ANNOTATION

In the field of protection and use of biological resources, the most important issues are being studied that contribute to the further development of the theory of environmental law. This article proposes to consider the content of the concept of cultivated biological resources, the classification of cultivated biological resources, as well as sources of legal regulation. Issues of biodiversity, flora and fauna, food security, forest use and environmental safety, environmental policies and rational use of natural resources are discussed.

Keywords: Ecology, environmental sustainability, environmental safety, innovation, public property, trend, hybrid. Environmental sustainability, ecological security, biological diversity, biological resources, cultural biological resources, flora and fauna, natural resources, genetic engineering, genetics.

For citation: Narzullaev Olim Kholmamatovich. CULTURED BIOLOGICAL RESOURCES: NATIONAL LEGISLATION DEVELOPMENT TENDENCY. 2019, special vol., issue 2, pp. 35-42

Дунёнинг барқарор ривожланишида биологик ресурсларни муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланишни ҳуқуқий тартибга солиш масалалари тобора глобал ва долзарб аҳамият касб этмоқда. Экологик муаммолар инсоният тарихининг

бирон-бир босқичида ҳозирги даврдагидек долзарб аҳамият касб этмаган. Ер юзининг биологик хилма-хиллиги экологик, ижтимоий-иқтисодий, илмий, тарбиявий ва эстетик жиҳатдан беқиёс аҳамиятга эга. Бироқ инсониятнинг борлиқдаги табиий жараёнларга аралашуви ўсимлик ва ҳайвонот дунёсининг қисқариши, айрим турларнинг эса бутунлай йўқ бўлиб кетишига сабаб бўлмоқда. Бинобарин, фан ва техника жадал суръатларда ривожланаётган бугунги кунда иқтисодиётни тараққий эттириш жаҳон ҳамжамияти томонидан тан олинган барқарор ривожланиш тамойиллари билан уйғун бўлиши, яъни табиат неъматларидан самарали фойдаланишни тақозо этади.

Ҳуқуқшунос олим С.Ю.Миролюбова таъкидлашича, биологик ресурслар таркиби маданийлаштирилмаган ва маданийлаштирилган биологик ресурсларни ўз ичига олади[1]. Ўстирилган беологик ресурсларни тирик организмларнинг турлари сифатида қаралади. Бу ерда сўз янгиланган ва янада яхшиланган нав ўсимликлари, зотли ҳайвонлар ва микроорганизмалар, селекция натижасида сунъий йўл билан инсонлар томонидан олинган объектлар ҳақида кетади. Маданий биологик ресурсларга кирадиган турли тирик организмлар, уларнинг ривожланиши эволюцияси одамларнинг эҳтиёжларини қондиришга шунингдек, инсоният учун потенциал фойдали ва қимматга эга бўлган объектлардир.

Маданийлаштирилган биологик ресурсларни олиш учун замонавий биотехнологиялар қўлланилганлиги сабабли, маданийлаштирилган биологик ресурс комплекс тушунча бўлиб, у ресурслар ва биотехнологияларни улардан фойдаланиш учун у ёки бу турдаги ресурслар ва технологияларни ўз ичига олади. Халқаро ҳужжатлар [2] ва миллий қонунчилик таҳлили натижасида биологик ресурслар табиий ресурсларнинг таркибий қисми эканлиги аён бўлади. Демак, юридик адабиётлар ва янги қонунчилик [3] мазмунига кўра, биологик ресурсларни маданийлашган ва маданийлашмаган биологик ресурсларга ажратиш мумкин.

Маданийлаштирилган биологик ресурсларга қуйидагилар киради:

- 1) қишлоқ хўжалик ўсимликларининг уруғлари, ўрмон ўсимликлари ва ғалла уруғлари;
- 2) ҳайвонларнинг наслчилик маҳсулотлари (материал) ва микроорганизмларнинг штаммлари;
- 3) маданийлаштирилган тирик организмларнинг ирсий кодидаги ирсий генетик маълумотларга эга ҳар қандай материал.

Шуни таъкидлаш керакки, маданийлаштирилган биологик ресурсларлар мамлакатнинг озиқ-овқат хавфсизлигини, фармацевтика ва қишлоқ хўжалигининг асосини таъминлайди.

Ўз-ўзидан равшанки, генетика ва селекция соҳасида фундаментал тадқиқотларни ривожлантириш ва бу тадқиқотларни амалиётга татбиқ этиш аграр соҳани ривожланишига ижобий таъсир кўрсатади. Англия зотдор моллар экспортери ҳисобланган. XX асрнинг 70-йилларига келиб селекция ютуғи муаллифиликда янги илмий усуллар-ген инженерияси, эмбрионларни кўчириб ўтказиш, жинсни олдиндан белгилаш, радиоактив нурланиш инқилоб ясади [4].

Келажакда инсоният олдида турган ва ҳал этилиши йилдан-йилга қийинлашиб бораётган очарчилик, сувсизлик, табиий атроф-муҳитнинг ифлосланиши ва қўйинки одам ва унинг мавжуд бўлиши билан боғлиқ деярли барча муаммоларни ҳал этишда энг асосий ва бирламчи омил бу маданийлашган биологик ресурслар ва унинг ютуқлари бўлади, дея ҳеч иккиланмасдан айтишимиз мумкин. Айниқса,

озик-овқат муаммосини ҳал этишда ва бу муаммо билан чамбарчас боғлиқ қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлигини оширишда биологик ресурсларнинг тадқиқ этилиши натижасида эришилмоқда. Зеро ҳозирги кунда бозорларимизни тўлдириб турган турли хил қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг аксарият қисми ген инженерияси ютуқлари асосида яратилган нав ва зотлардан олинган ҳосилдир. Ҳозирги кунда турли хил ҳашоратлар(масалан курт) емайдиған олма ва картошка, кемирувчилар еса ўлиши мумкин бўлган лекин одам истъемол қилса фақат фойда қўрадиған помидор, бодринг ва шунга ўхшаш полиз экинлари борлигини инсоният ажабланмасдан қабул қилмоқда. Мисол учун кейинги йилларда юртимиз бозорларида пайдо бўлган "америка тарвузлари"га эътибор қаратадиған бўлсак, уларнинг жайдари тарвузларга қараганда уруғи кам бўлишини, серсув ва шираси юқори эканлигини кўришимиз мумкин.

Инсоният ген инженерияси илмий тадқиқотларининг бир йўналиши ҳисобланган клонлаш усули ёрдамида қишлоқ хўжалиги ҳайвонларини, ўсимликлар дунёсини ривожлантириш билан истиқболда катта ютуқларга эришишга умид боғламоқда. Масалан, яқинда АҚШ олимлари гуруч ядросидаги ДНК кодини ўзгартириш йўли билан шолининг сувсизликка чидамли навини клонлаш усулида яратишгани оммавий ахборот воситаларида эълон қилинди [5].

Маданийлаштирилган биологик ресурсларни, биологик ресурсларнинг турларидан бири сифатида таснифлаш мумкин:

- келиб чиқиши бўйича, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсининг табиий таркибий қисмларидан келиб чиққанлиги;
- қишлоқ хўжалигида ресурс сифатида хўжаликда фойдаланиш турлари сифатида (уруғчилик, чорвачилик);
- ишлаб чиқариш манбаи сифатида (қишлоқ, ўрмон хўжалиги, фармацевтика саноати, биотехнология маҳсулотлари бозори) фойдаланиш мезони бўйича.
- маданийлаштирилган биологик ресурсларни моддий активлар (моддий шакл, масалан уруғлар) ва номоддий активлар (интеллектуал ҳуқуқлар, масалан, селекция ютуқлари учун) деб таснифлаш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 55-моддасига мувофиқ, маданийлаштирилган биологик ресурслар, табиий ресурсларнинг элементи бўлиб, улардан оқилона фойдаланиш зарур ва улар давлат муҳофазасидадир(ФК 214-модда). Маданийлаштирилган биологик ресурслар табиий ва иқтисодий хусусиятлари ўз ичига олади.

Табиий ресурслардан фойдаланиш ва уларни ҳимоя қилиш бўйича конституциявий принципнинг ҳаёт ва фаолият асоси сифатида мустаҳкамланиши озик-овқат маҳсулотлари ва қишлоқ хўжалигида маданий ресурслардан оқилона фойдаланишни ҳуқуқий тартибга солишнинг, шунингдек, уларни миллий қонунчиликда ҳимоя қилишнинг асосий шартидир. Қишлоқ хўжалигида маданий биологик ресурсларнинг айланиши савдо ва атроф-муҳит муаммолари билан ўзаро боғлиқ бўлганлиги сабабли, маданийлашган биологик ресурслар билан боғлиқ муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш қонунчилигининг турли соҳаларида, шу жумладан фуқаролик, қишлоқ хўжалик ҳуқуқи ва маъмурий ҳуқуқ соҳаларида амалга оширилади. Мулк ҳуқуқи сифатида етиштирилган биологик ресурсларни ҳуқуқий тартибга солиш Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодекси ва бошқа қонунлар билан тартибга солинади. Маданийлаштирилган биологик ресурсларнинг ўзига хос хусусияти шундаки, улар мулкый ҳуқуқларнинг иккиламчи объекти

бўлиши мумкин, бир томондан тўғридан-тўғри моддий шаклда (масалан, қишлоқ хўжалиги ва ўрмон ўсимликларининг уруғлари, генетик материал), иккинчи томондан селекция ютуқларига интеллектуал ҳуқуқлар шаклида (Масалан. Турли хил ўсимликлар ёки насилчилик маҳсулотлари).

Кўпчилик МДХ мамлакатларида айнан шу соҳани тартибга солувчи қонун ҳужжатлари қабул қилинган. Масалан, Россия Федерациясида 1996 йил 5 июнда "Ген инженерияси соҳасидаги фаолиятни давлат томонидан тартибга солиниши тўғрисида"ги қонун[6] қабул қилинган. Яъни унда узлаштирилган биологик ресурслар соҳасидаги интеллектуал фаолият натижалари турларининг бири селекция ютуғи ва биотехнология соҳасидаги ихтиро бўлиб, патент ҳуқуқлари тан олинганлигига оид муносабатларни тартибга солади. Шунингдек, ген инженерия фаолиятини амалга ошириш натижасида табиатни бошқариш атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, атроф-муҳит хавфсизлигини таъминлаш соҳасида муносабатларда ҳам кенг қўлланилади. Маданийлаштирилган биологик ресурслар ва биотехнологиялар, ихтиролар, интеллектуал ҳуқуқлар соҳасидаги муносабатлар Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси, шунингдек, ("Уруғчилик тўғрисида"ги қонун, "Селекция ютуқлари тўғрисида"ги қонуни) билан тартибга солинади.

"Уруғчилик тўғрисида"ги қонунда қишлоқ хўжалиги экинларининг ўз уруғчилик базасини яратиш, навни янгилаш ва нав алмаштириш жараёнида, уруғлик навлари ва дурагайлариининг биологик ҳамда хўжалик жиҳатидан қимматли хусусиятларини сақлаб қолиш, мамлакатимиз ва жаҳоннинг қимматли генофондини сақлаб қолиш ҳамда ундан самарали фойдаланиш, республиканинг турли табиий-иқлим минтақаларига мосланган янги тезпишар, серҳосил, интенсив навларини яратиш ва кўпайтириш, қишлоқ хўжалигини серҳосил ва юқори сифатли уруғликлар билан таъминлаш, уруғликларнинг сифати устидан давлат назоратини амалга ошириш, уруғчиликка жаҳон тажрибаси ютуқларини жорий этишнинг ҳуқуқий асосларини белгилайди. "Насилчилик тўғрисида"ги қонунда ҳайвонларнинг наслдорлик ва маҳсулдорлик сифатларини яхшилаш мақсадида наслчилик ресурсларини яратиш, сақлаш, такрор кўпайтириш ва улардан оқилона фойдаланиш, селекция жараёнида фойдаланиладиган наслчилик ресурсларининг келиб чиқишини, аниқ ҳисобга олинишини, маҳсулдор-лигини, типи ва бошқа сифатлари бўйича баҳоланишини таъминлаш, наслдор эркак ҳайвонларни авлодининг сифатига кўра синовдан ўтказиш, янги фойдали генетик белгиларга эга бўлган ҳайвонлар олиш, селекция ишида жаҳондаги энг қимматли генофонддан самарали фойдаланиш, муайян жойга хос ва мамлакатимиздаги йўқ бўлиб бораётган зотлар генофондини сақлаб қолиш, маҳсулот етиштириладиган подаларда ҳайвонларнинг наслдорлик ва маҳсулдорлик сифатларини ошириш ҳамда сермаҳсул ҳайвонларни жадал кўпайтириш, бутун чорвачилик тармоғининг иқтисодий самарадорлиги ва рақобатбардошлигини ошириш билан боғлиқ масалалар ҳуқуқий тартибга солинган.

Биологик ресурслардан фойдаланган ҳолда янги биотехнологияларни ишлаб чиқиш дунёнинг кўплаб мамлакатлари иқтисодиётида юқори рентабелли тармоқларни ривожлантиришга имкон берганлиги сабабли, глобаллашув шароитида халқаро ҳамкорлик энг муҳим ҳисобланади.

Таъкидлаш керакки, Ўзбекистон Биологик хилма-хиллик тўғрисидаги конвенцияни ратификация қилди, аммо у билан боғлиқ қатор мажбуриятлар

борки масалан, тўртинчи ҳисобот анча ортида қолди. Давлатнинг миллий генетик ресурслари ва биотехнологияларига киришини таъминлаш бўйича халқаро мажбуриятларни белгилайдиган озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги учун ўсимликларнинг генетик ресурслари тўғрисидаги халқаро шартнома [7]га қўшилишни режалаштирмоқда. Биотехнологияларнинг ривожланиши ва уларнинг ўзгарувчан генетик материалларда қўлланилиши атроф-муҳит ва инсон саломатлиги билан боғлиқ биологик хавфсизлик билан боғлиқ муаммоларни келтириб чиқарганлиги сабабли, Европа Иттифоқи ҳудудида миллий қонунчилик ва қонунчилик шаклланишига қўйидаги халқаро ҳужжатлар таъсир кўрсатмоқда.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 5 ноябрдаги "Қишлоқ хўжалигида ижара муносабатларини янада

ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 486-сонли қарори[13] қишлоқ хўжалик кооперативларининг ер ижараси билан боғлиқ муносабатларни тартибга солган бўлиб, мазкур қарорга илова қилинган "Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) томонидан ер участкасини узоқ муддатли ижарага олишининг" намунавий шартномасида айнан қишлоқ хўжалик кооперативларининг ер ижара муносабатларини ўзида акс эттирган бўлиб, фермер хўжаликлари ёки бошқа қишлоқ хўжалик субъектларининг ер ижараси билан боғлиқ муносабатлар тартибга солилмаган Фермер хўжаликлари ва бошқа қишлоқ хўжалик корхоналарига қишлоқ хўжалик ерларини бериш тартибини белгилаб берган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 9 январдаги "Фермер хўжаликлари ва бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналари ер майдонларини мақбуллаштириш ҳамда қишлоқ хўжалиги экин ерларидан самарали фойдаланишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги 14-сонли қарори билан киритилган тартибга кўра, ер участкалари учун:

- бир гектар ер майдони учун пахта-ғаллачилик лойиҳасига 2 минг АҚШ доллари эквиваленти миқдорида;

- сабзавот-ғаллачилик, боғдорчилик-узумчилик, сабзавот-полизчилик лойиҳаларига 5 минг АҚШ доллари эквиваленти миқдорида тўғридан-тўғри инвестиция киритадиган талабгорларга ва кластер корхоналарига маблағлар банкдаги ҳисобварағида кўринганидан сўнг, жорий йилда мақсадли ишлатиш шарти билан ҳамда туман сектор раҳбарининг тавсиясига кўра танлов ўтказмасдан туман ҳокимининг қарорига асосан ажратилади.

- Мазкур талаблар асосида ер участкаси ажратилган ёки янгидан ташкил этилган фермер хўжаликлари ёки бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналари бизнес режасида кўрсатилган мажбуриятларини бажармаган тақдирда, ер ижара шартномаси туман ҳокими томонидан бир томонлама бекор қилиниши учун асос ҳисобланади[14], деб белгилаб қўйилган.

Шундан келиб чиқиб алоҳида қайд этиш керакки, қишлоқ хўжалиги ерларини ижара ёки бошқа ҳуқуқ асосида фойдаланишга бериш билан боғлиқ норматив ҳужжатларнинг кўплиги ҳамда уларнинг аниқ тартибларни белгилаб бермаганлиги, албатта, қишлоқ хўжалик субъектлари учун қийинчилик туғдиради.

Айниқса, қишлоқ хўжалик ерларидан фойдаланишнинг аниқ тартиби ягона қонун ҳужжатида белгиланмаслиги қишлоқ хўжалик соҳасига инвестиция киритувчи чет эл инвесторлари учун ҳам муаммоли ҳолатларни келтириб чиқариши ёки низоларга сабаб бўлиши мумкин.

Мазкур ҳолатларни бартараф қилиш ва қишлоқ хўжалигида ислоҳотларни чуқурлаштириш мақсадида қишлоқ хўжалик ерлари ижарасини тартибга солувчи ягона қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 8 августдаги "Норма ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида"ги ПФ-5505-сон Фармонида[15] белгиланган талабларга тўла мос келади ва бугунги кунда мамлакатимизда барча соҳада олиб борилаётган шиддатли, ўз самарасини бераётган, энг асосийси, халқимизни рози қилаётган ислоҳотлар билан ҳамоҳанг тарзда бўлиши мумкин.

Бинобарин, қишлоқ хўжалик ерларидан фойдаланишни такомиллаштириш мақсадида қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 июндаги "Қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-5742-сон Фармонига илова қилинган Йўл

харитаси ва "Қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш" Концепцияси асосида қишлоқ хўжалиги ерларидан фойдаланишга оид бир қатор ўзгаришлар киритилди. Жумладан, мазкур фармон билан:

- ердан фойдаланувчиларга қишлоқ хўжалиги экинларини мустақил жойлаштириш, ерга ишлов бермасдан экин экиш ва ерларни иккиламчи ижарага бериш ҳуқуқи берилади;

- мазкур ер майдонлари мақбуллаштирилмайди, ер участкаси ёки унинг бир қисми давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйилишига ердан фойдаланувчи розилиги асосида сарф этилган маблағларнинг бозор қиймати ва олиб қўйиш сабабли етказилган зарарнинг ўрни тўлиқ қопланганидан сўнггина рухсат этилади;

- ушбу ер майдонларида барпо этиладиган инфратузилма объектларини (дала шийпон, маҳсулотлар сақланадиган омборхоналар, суғориш иншоотлари ва бошқалар) жойлаштиришга рухсат берилади[16], деб белгиланган. Мазкур тартибларнинг жорий этилиши мамлакатимизда қишлоқ хўжалик ерларидан фойдаланиш билан боғлиқ муносабатларни белгилаб берадиган ер қонунчилигининг ўзгаришига олиб келади. Бу эса ўз навбатида амалдаги Ер кодексининг ер ижараси билан боғлиқ нормаларини ўзгартиришни, шунингдек мазкур муносабатларни тартибга солувчи янги қонун лойиҳаларини ишлаб чиқиш лозимлигини белгилайди.

Албатта, қишлоқ хўжалик ерларидан фойдаланиш ва ер ижараси билан боғлиқ муносабатларни тартибга солувчи норматив ҳужжатларда қишлоқ хўжалик корхоналари, фермер хўжаликлари учун жаҳон стандартлари даражасида имтиёзлар қўлланилаётганлиги яхши натижа бериши мумкин, аммо ушбу муносабатларнинг турли қонун ости нормаларида белгиланиши уларни амалиётда қўллаш ва жорий қилишда ерга оид низоларни келтириб чиқариши мумкин.

Хитой қонунчилигида белгиланган тартибга кўра қишлоқ хўжалиги ерларига фақат ижара асосида фойдаланиш ҳуқуқи берилиши белгиланган. Бу эса юқорида қайд этилганидек қишлоқ хўжалик ерларидан фойдаланиш фақатгина ижара муносабатлари асосида амалга оширилади.

Хитой Халқ Республикасининг 2004 йилдаги "Ер бошқаруви тўғрисида"ги қонуни 10-моддаси[17]га асосан қишлоқ хўжалигида фаолият юритадиган фермер хўжаликлари ёки жамоа хўжаликларига тегишли бўлган ерлар жамоа мулки ҳисобланади ва ундан биргаликда фойдаланилади. Бунда шу нарса назарда тутилганки, қишлоқ хўжалик ерлари давлатдан ижара асосида фойдаланиш учун олинишига қарамасдан жамоа аъзолари ундан эркин тарзда фойдаланиб иккиламчи ижарага бериши мумкин.

Шунингдек, мазкур қонунга биноан қишлоқ хўжалиги ерлари давлат ёки қишлоқ коллективига тегишли ҳисобланади. Хорижий ёки чет эл инвеститсияси бўлган шахслар фойдаланиш ҳуқуқларини сотиб олиш ҳуқуқига эга бўлиши мумкин, аммо мулкчилик ҳуқуқига эга бўлмайди, деб белгилаб қўйилган.

Ўзбекистон Респуликаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 9 январдаги

14-сонли қарорида қишлоқ хўжалигига инвестиция киритган шахсларга ер участкасидан фойдаланиш учун имтиёзлар берилган аммо мамлакатимизда ҳориждан инвестиция киритган субъектларга қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкаларини ижарага олиш ёки ундан фойдаланиш тартиблари амалдаги Ер кодексига алоҳида белгиланмаган.

Аммо, ушбу тартиб Хитойнинг "Ер бошқаруви тўғрисида"ги қонунида келтириб

ўтилган. Шунга кўра Ер кодексида хорижий инвесторларнинг ерга бўлган ҳуқуқини муҳофаза қилиш ва рағбатлантириш тартибларини белгиловчи нормаларни киритиш, шунингдек унинг аниқ тартибларини белгилаш мақсадга мувофиқдир.

Фермер хўжаликлари томонидан қишлоқ хўжалик ерларидан фойдаланишда Ер участкаларининг ижара муддати ҳақида тўхталадиган бўлсак, Хитойда қишлоқ хўжалиги ерларининг максимал ижара муддати 30 йил. Ижара муддати тугагандан сўнг, томонлар янгидан 30 йилга шартнома тузиши мумкин, бунда қишлоқ хўжалигида қўлланиладиган лизинг шартномаси муддатини ҳам янгиллаши мумкин. Фермерлардан иккиламчи ижарага олинган ерлар учун ижара муддати қишлоқ коллективлари ва индивидуал деҳқон хўжаликлари ўртасида шартномавий келишув бўйича ердан фойдаланиш ҳуқуқининг қолган муддатидан кўп бўлмаган ҳолда тузилади. Баъзи ҳолларда ваколатли давлат маъмурий органи ёки қишлоқ жамоа ташкилоти, бошқалар билан бир қаторда: ердан давлат манфаатлари учун фойдаланилиши керак бўлса, давлат ер участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқини тиклаши мумкин. Бундай ҳолларда ерлардан фойдаланиш ҳуқуқи тўхтатилади[18].

Шунингдек, Хитойда давлат ёки жамоа хўжалиги ерларини ундан фойдаланувчилар томонидан бошқа хўжалик юритувчи субъектлар ва хусусий шахсларга қишлоқ хўжалиги мақсадлари учун фойдаланишга яъни иккиламчи ижарага берганлик (ҳуқуқни ўтказганлик) учун солиқ олинмайди[19].

Хитойда иқтисодиётнинг ривожланишини ва экологик муҳофазани таъминлайдиган ҳамда хорижий қишлоқ хўжалиги сармояларини жалб этишни мувофиқлаштирилган махсус қишлоқ хўжалиги яшил парклари мавжуд. Ушбу паркларда хорижий инвестициялар кўпинча рағбатлантирилади ва уларга қўлланиладиган имтиёзлар қуйидагилардан иборат: Солиқ имтиёзлари. Ердан фойдаланиш учун тўлов ва маъмурий тўловни камайтириш ёки озод қилиш. Чет элик инвесторлар учун уй-жой ёки болалар таълими билан боғлиқ бошқа имтиёзли сиёсат. Миллий даражада, асосан, учта тур Поянг кўли эко-иқтисодий зонаси ва Донгтинг кўли эко-иқтисодий зонаси. Янглин қишлоқ хўжалиги юқори технологияли саноат модели зонаси. Замонавий қишлоқ хўжалиги модели каби қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш зоналари фаолият юритади.

Халқаро инвестицион корхона Хитой фермерлари билан биргаликда фермерлар кооперативини ташкил этиш учун ҳамкорлик қилиши мумкин. ихтисослашган фермерлар кооперативининг бизнесига бевосита боғлиқ бўлган ишлаб чиқариш ва фойдаланиш билан шуғулланади[20].

Шундан келиб чиқиб миллий қонунчилигимизда фермер хўжаликлари ва қишлоқ хўжалик ерларидан фойдаланувчи корхоналарнинг ер ижараси билан боғлиқ қуйидаги ўзгаришларни киритиш мақсадга мувофиқ.

Биринчидан, Ўзбекистон Републикасининг "Қишлоқ хўжалик ерлари ижараси тўғрисида"ги қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш ва уни амалиётга жорий қилиш.

Иккинчидан, фермер хўжаликлари фаолиятига хорижий сармояларни жалб қилиш ва уларнинг фермер хўжаликлари билан биргаликда фаолият юритиш тартибини белгиловчи нормаларни "Қишлоқ хўжалик ерлари ижараси тўғрисида"ги қонун лойиҳасида акс эттириш.

Учинчидан, "Қишлоқ хўжалик ерлари ижараси тўғрисида"ги қонун лойиҳасида қишлоқ хўжалик ерларини иккиламчи ижарага беришнинг ҳуқуқий асосларини белгилаш.

Тўртинчидан, қишлоқ хўжалик ерларидан ижара асосида фойдаланувчи йирик

қишлоқ хўжалик корхоналари ва фермер хўжаликлари билан хорижий инвестициялар асосида фаолият юритувчи корхоналар фаолияти йўналишларини кенгайтириш мақсадида "Яшил ҳудуд" қишлоқ хўжалик зоналарини ташкил этиш ва уларнинг ердан ижара асосида фойдаланиши билан боғлиқ муносабатларини қонун лойиҳасида ақс этириш мақсадга мувофиқ бўлади. Бунда қишлоқ хўжалик корхоналарининг ер ижара муносабатлари қонун билан тўла кафолатланган ҳолда бўлади ва улар ер участкаларидан эркин тарзда фойдаланиб мажбурий тарзда, мисол учун ғалла, пахта ёки бошқа экинлар экмасдан ўзлари учун даромад келтирадиган фаолият турлари билан шуғулланиб экспортбоп қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиради. Шунингдек, уларга солиқ ва божхона имтиёзларини қўллаш тартиблари ҳам жорий қилиниши керак.

Хулоса ўрнида шуни айтиш жоизки, фермер хўжаликлари ва бошқа хўжалик юритувчи субъектларнинг қишлоқ хўжалигида ер ижараси билан боғлиқ фаолиятни тартибга солувчи ягона қонуннинг қабул қилиниши қишлоқ хўжалик фаолиятини янада ривожлантиришга, аҳолининг озиқ овқат хавфсизлигини таъминлашга ва энг асосийси қишлоқ хўжалик соҳасига кенг маблағ жалб этиш учун қулай шароит яратишга олиб келади.

Иқтибослар/Сноски/References

1. Ш.Мирзиёев. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. 2-Том. Ризқ-рўзимиз бунёдкори бўлган қишлоқ хўжалиги ходимлари меҳнатини улуғлаш, соҳа ривожини янги босқичга кўтариш-асосий вазифамиздир.

(Sh. Mirziyoev. The consent of our people is the highest value given to our work. 2nd Tom Our main task is to glorify the work of agricultural workers, who are the creators of our sustenance, to take our industry to a new level).

2. Ўзбекистон Республикасининг "Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида"ги қонуни. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2000 й., 5-6-сон, 140-модда; Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й., 25-сон, 287-модда; 51-сон, 514-модда; 2011 й., 16-сон, 162-модда, 37-сон, 374-модда. (Law of the Republic of Uzbekistan "On guarantees of freedom of entrepreneurial activity". Bulletin of the Oliy Majlis of the Republic of Uzbekistan, 2000,

№ 5-6, Article 140; Collection of Laws of the Republic of Uzbekistan, 2004, № 25, Article 287; 51 № 514; 2011, № 16, Art. 162, Issue 37, Art).

3. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 16.10.2018 й., 03/18/498/2051-сон; 06.03.2019 й., 03/19/527/2706сон. (The Constitution of the Republic of Uzbekistan. National database of legislation 16/10/2018, № 03/18/498/2051; № 03/19/527/2706 dated 06.03.2019.)

4. Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 05.01.2018 й., 03/18/456/0512-сон; 05.03.2019 й., 03/19/526/2701-сон. (The Land Code of the Republic of Uzbekistan. National database of legislation, 05/01/2018,

№ 03/18/456/0512; № 03/19/526/2701 dated 05.03.2019).

5. <http://www.biznes-daily.uz>. Аграр муносабатларда ердан самарали фойдаланиш асослари. (<http://www.biznes-daily.uz>. Bases of effective use of land in agrarian relations).

6. Effective Land Use Policy and Legislation in China. <http://vchae.com/kak-priobresti->

v-polzovanie-zemlyu-v-kitae.

7. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 й., 11-12-сон, 1-модда; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 27.07.2018 й., 03/18/488/1579-сон, 24.05.2019 й., 03/19/542/3177-сон. The Civil Code of the Republic of Uzbekistan. Bulletin of the Oliy Majlis of the Republic of Uzbekistan, 1996, № 11-12, Article 1; National database of legislation, 27/7/2018, 03/18/488 / 1579, № 24/19/542 / 3177.

8. Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 й., 5-6-сон, 82-модда; 2003 й., 9-10-сон, 149-модда; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 05.01.2018 й., 03/18/456/0512-сон; 29.08.2019 й., 03/19/558/3662-сон. (The Land Code of the Republic of Uzbekistan. National database of legislation, 05/01/2018, № 03/18/456/0512; № 03/19/526/2701 dated 05.03.2019).

9. Ўзбекистон Республикаси "Фермер хўжалиги тўғрисида"ги қонуни. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й., 40-41-сон, 433-модда;

2017 й., 1-сон, 1-модда. Law of the Republic of Uzbekistan "On Farming". Collection of Laws of the Republic of Uzbekistan, 2004, № 40-41, Article 433; 2017, Issue 1, Article 1.

10. Effective Land Use Policy and Legislation in China. <http://vchae.com/kak-priobresti-v-polzovanie-zemlyu-v-kitae>.

11. (<https://uk.practicallaw.com/agriculture-guide>. Agricultural law in China: overview by Jan Holthuis, Buren Legal A Q&A guide to agricultural law in China.

12. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 30 октябрдаги

476-сон қарори. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2003 й., 20-сон, 200-модда; 10.12.2018 й., 09/18/995/2287-сон. (Resolution of the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan dated October 30, 2003 Decision № 476. Collection of Laws of the Republic of Uzbekistan, 2003, № 20, article 200; № 10/18/995/2287 dated 10.12.2018).

13. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 5 ноябрдаги "Қишлоқ хўжалигида ижара муносабатларини янада ривожлантириш чоратадбирлари тўғрисида"ги 486-сонли қарори. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2003 й., 21-сон, 207-модда; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 10.12.2018 й., 09/18/995/2287-сон. (Resolution of the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan 486 dated November 5, 2003 "On Measures for Further Development of Lease Relations in Agriculture". Collection of Laws of the Republic of Uzbekistan, 2003, № 21, article 207; National database of legislation, 09/18/995/2287, dated 10.12.2018).

14. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 9 январдаги "Фермер хўжаликлари ва бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналари ер майдонларини мақбуллаштириш ҳамда қишлоқ хўжалиги экин ерларидан самарали фойдаланишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги 14-сонли қарори. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 10.01.2019 й., 09/19/14/2451-сон, 13.07.2019 й., 09/19/575/3415-сон. (Resolution of the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan

№ 14 dated January 9, 2019 "On additional measures for optimization of land plots of farms and other agricultural enterprises and efficient use of agricultural lands". National database of legislation, 10.01.2019, № 09/19/14/2451, dated 13.07.2019, № 09/19/

575/3415)

15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 8 августдаги "Норма ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида"ги ПФ-5505-сон Фармони. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 08.08.2018 й., 06/18/5505/1639-сон. (The Decree of the President of the Republic of Uzbekistan dated August 8, 2018 № UP-5505 "On approval of the Concept of perfection of normative creative activity". National database of legislation, 06/18/5505 / 1639, 08.08.2018).

16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 июндаги "Қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш чоратadbирлари тўғрисида"ги ПФ-5742-сон Фармони. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2019 йил 24 июнь, 25-сон, 455-модда. (The Decree of the President of the Republic of Uzbekistan dated June 17, 2019 № UP-5742 "About measures for effective use of land and water resources in agriculture". Collection of Laws of the Republic of Uzbekistan, June 24, 2019, Issue 255).

17. Extwprlegs1.Fao.Org › Docs › Texts › Chn3560. Land Administration Law Of The People's Republic Of China (2004 Revision).

18. <https://uk.practicallaw.com/agriculture-guide>. Agricultural law in China: overview by Jan Holthuis, Buren Legal A Q&A guide to agricultural law in China.

19. <https://uk.practicallaw.com/agriculture-guide>. Agricultural law in China: overview by Jan Holthuis, Buren Legal A Q&A guide to agricultural law in China.

20. <https://uk.practicallaw.com/agriculture-guide>. Agricultural law in China: overview by Jan Holthuis, Buren Legal A Q&A guide to agricultural law in China.

ҲУҚУҚИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ ЖУРНАЛ ПРАВОВЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ JOURNAL OF LAW RESEARCH

**12.00.04 ГРАЖДАНСКОЕ ПРОЦЕССУАЛЬНОЕ ПРАВО. ХОЗЯЙСТВЕННОЕ
ПРОЦЕССУАЛЬНОЕ ПРАВО. ТРЕТЕЙСКИЙ ПРОЦЕСС И МЕДИАЦИЯ**

Хабибуллаев Давлатжон Юлчибоевич,
Тошкент давлат юридик университети
"Фуқаролик процессуал ва
иқтисодий процессуал ҳуқуқи"
кафедраси мудири,
юридик фанлар номзоди, профессор
E-mail:davlat.xabibullayev@mail.ru

СУД БУЙРУҒИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ БЎЙИЧА АЙРИМ ФИКР-МУЛОҲАЗАЛАР



DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9130-2019-13-9>

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада суд буйруғи мазмуни ва уни чиқариш тартиби, мазкур ҳолат бўйича қонунчиликдаги муаммолар, суд буйруғи чиқариш бўйича ишларни янада соддалаштириш мақсадида ахборот коммуникация технологияларидан самарали фойдаланиш, суд буйруғини бекор қилиш асослари, суд буйруғи чиқариш бўйича талабаларни кенгайтириш, бу борадаги хорижий давлатлар тажрибаси атрофлича таҳлил этилган.

Калит сўзлар: фуқаролик ишлари бўйича суд, судья, суд буйруғи, эътироз, ундирувчи ва қарздор.

Хабибуллаев Давлатжон Юлчибоевич,
Заведующий кафедрой "Гражданское процессуальное
и экономическое процессуальное право" Ташкентского
государственного юридического университета
кандидат юридических наук, профессор
E-mail:davlat.xabibullayev@mail.ru

НЕКОТОРЫЕ МНЕНИЯ ПО СОВЕРШЕНСТВОВАНИЮ СУДЕБНОГО ПРИКАЗА

АННОТАЦИЯ

В данной статье подробно проанализированы содержание и порядок выдачи

судебного приказа, проблемы законодательства по данному вопросу, эффективное использование информационно-коммуникационных технологий в целях дальнейшего упрощения работы по выдаче судебного приказа, основания для отмены судебного приказа, расширение круга требований о выдаче судебного приказа, опыт зарубежных стран в данном направлении.

Ключевые слова: суд по гражданским делам, судья, судебный приказ, возражение, взыскатель и должник.

Khabibullaev Davlatjon Yulchiboevich,
Head of "Civil Procedural
and Economic Procedural Law " Department
of the Tashkent State University of Law,
Doctor of philosophy, Professor
E-mail: davlat.xabibullayev@mail.ru

SOME OPINIONS ON IMPROVING THE JUDICIAL ORDER

ANNOTATION

In this article, the content and procedure for issuing a court order, problems of legislation on this issue, the effective use of information and communication technologies in order to further simplify the work of issuing a court order, the grounds for canceling a court order, expanding the range of requirements for issuing a court order, are analyzed in detail experience of foreign countries in this direction.

Keywords: civil court, judge, court order, objection, recoverer and debtor.

For citation: Khabibullaev Davlatjon Yulchiboevich. SOME OPINIONS ON IMPROVING THE JUDICIAL ORDER. 2019, special vol., issue 2, pp. 65-70

Мамлакатимизда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислоҳотлари натижасида судларнинг одил судловни амалга оширишдаги ҳолислиги ва мустақиллигининг кафолатлари ҳуқуқий жиҳатдан янада мустаҳкамланди. Айниқса, Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан 2016 йил 21 октябрдаги "Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-4850-сон, 2017 йил 7 февралдаги "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида"ги ПФ-4947-сон фармонларининг қабул қилиниши юртимизда суд-ҳуқуқ тизимини янада демократлаштириш ва эркинлаштиришда, судьяларнинг ҳақиқий мустақиллигини амалда таъминлашда муҳим аҳамият касб этди.

Шунингдек, 2018 йил 22 январда янги Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодекси қабул қилиниши фуқаролик суд ишларини юритиш турлари кенгайтиришига, процессуал институтларнинг кетма-кетликда мантиқий изчилликда тизимлаштирилишига, янги процессуал институтлар билан тўлдирилишига олиб келди. Шу ўринда айтиш мумкинки, ушбу кодексда ишларни қисқа муддатларда ҳал этиш, судьяларнинг иш юкларини камайитириш, суд буйруғи бўйича чиқариладиган талабларни кенгайтирилиши фуқаролар ва ташкилотларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини қисқа вақтда ҳимоя

қилинишини амалда таъминламоқда. Бу борада суд статистик маълумотларига эътибор қаратадиган бўлсак, масалан 2017 йилда биргина фуқаролик ишлари бўйича судларда 788 349 та суд буйруғи чиқарилган бўлса, 2018 йилнинг январь-июнь ойларида республика судлари томонидан 188 387 та суд буйруғи чиқарилганини кўришимиз мумкин [1].

Юқорида келтирилган суд статистик маълумотлари шундан далолат берадики, суд амалиётида суд буйруғи институти ўзини оқлаётганлиги, судьяларнинг иш юкламалари қисқаришида муҳим ўрин эгаллаганлигини кўрсатади. Бироқ, ҳозирда суд буйруғи институти янада такомиллаштириш, процессуал қонунчиликдаги бўшлиқларни тўлдириш, суд амалиётида учраётган муаммоларни бартараф этишни тақозо этади.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг

178-моддасида суд буйруғи мазмуни кўрсатилган бўлиб, унга кўра суд буйруғида қуйидагилар кўрсатилади:

Суд буйруғида қуйидагилар кўрсатилади:

- 1) иш юритишнинг тартиб рақами ва буйруқ берилган сана;
- 2) суднинг номи, буйруқ берган судьянинг фамилияси, исми ва отасининг исми;
- 3) ундирувчининг фамилияси, исми, отасининг исми (номи), яшаш жойи ёки жойлашган ери (почта манзили);
- 4) қарздорнинг фамилияси, исми, отасининг исми (номи), яшаш жойи ёки жойлашган ери (почта манзили);
- 5) талабни қаноалантириш учун асос бўлган қонун;
- 6) ундирилиши лозим бўлган пул суммаларининг миқдори ёки ундирув қаратилаётган, қарздорнинг мажбуриятлари бажарилишининг таъминоти сифатида турган кўчар мол-мулк, унинг тавсифи ва баҳоси;
- 7) ундирилаётган қарздорлик вужудга келган давр;
- 8) неустойка миқдори, агар унинг ундирилиши қонунда ёки шартномада назарда тутилган бўлса;
- 9) қарздордан ундирилиши керак бўлган давлат божининг суммаси;
- 10) арз қилинган талабга қарши қарздор томонидан эътироз тақдим этиш муддати ва тартиби.

Вояга етмаган болалар учун алиментлар ундириш тўғрисидаги суд буйруғида ушбу модданинг 1 - 5, 9, 10-бандларида назарда тутилган маълумотлардан ташқари қуйидагилар кўрсатилади: қарздорнинг туғилган санаси ва жойи, таъминоти учун алимент ундирилиши лозим бўлган ҳар бир боланинг исми ва туғилган санаси, қарздордан ҳар ойда ундириладиган тўловлар миқдори ҳамда уларни ундириш муддати.

Суд буйруғининг ёзувидаги хатоларни ва очиқ кўриниб турган арифметик хатоларни тузатиш суднинг ташаббуси ёхуд ундирувчининг ёки қарздорнинг аризаси бўйича ушбу буйруқ қандай тартибда берилган бўлса, шундай тартибда суднинг ажрими асосида амалга оширилади.

Юқорида кўрсатилган талабларга эътибор қаратадиган бўлсак, фақат вояга етмаган болалар учун алиментлар ундириш тўғрисидаги суд буйруғида юқорида кўрсатилган маълумотлардан ташқари, қарздорнинг туғилган санаси ва жойи кўрсатилиши белгиланган. Ваҳоланки бошқа талаблар бўйича ҳам қарздорнинг туғилган санаси ва жойи кўрсатилиши лозим. Чунки мазкур ҳолатларнинг

кўрсатилмаслиги Ўзбекистон Республикасининг "Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида"ги қонуни 8-моддаси талабларига мувофиқ келмаслиги сабабли амалиётда давлат ижрочилари томонидан суд буйруқларини қайтарилишига олиб келмоқда. Бу борада кўплаб давлатларнинг Фуқаролик процессуал кодексларига эътибор қаратадиган бўлсак, масалан Россия Федерацияси Фуқаролик процессуал кодексининг 124-моддасида, Қозоғистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 136-моддасида ушбу қоидалар ўз аксини топган [2]. Фикримизча, Ўзбекистон Республикасининг "Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида"ги Қонуни 8-моддаси ва Фуқаролик процессуал кодексининг 178-моддаси ўртасидаги бир хилликни таъминлаш ҳамда суд ҳужжатларини ўз вақтида ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 178-моддасининг 3-4-бандларини қуйидаги таҳрирда баён этиш таклиф этилади:

3) ундирувчининг фамилияси, исми, отасининг исми (номи), яшаш жойи ёки жойлашган ери (почта манзили), жисмоний шахслар учун - ундирувчининг туғилган санаси ва жойи, иш жойи, юридик шахслар учун - ундирувчининг банк реквизитлари;

4) қарздорнинг фамилияси, исми, отасининг исми (номи), яшаш жойи ёки жойлашган ери (почта манзили); жисмоний шахслар учун - қарздорнинг туғилган санаси ва жойи, иш жойи, юридик шахслар учун - қарздорнинг банк реквизитлари.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 179-моддасида суд буйруғи чиқарилганидан кейин судья унинг кўчирма нусхасини дарҳол қарздорга юбориши, 181-моддада эса қарздор эса суд буйруғининг кўчирма нусхасини олган кундан эътиборан ўн кунлик муддат ичида арз қилинган талабга қарши ўз эътирозларини буйруқни чиқарган судга юборишга ҳақли эканлиги белгиланган. Шу ўринда таъкидлаш керакки, суд амалиётида қарздорларга суд буйруғини ўз вақтида юбормаслик ёки умуман юбормаслик каби ҳолатлар тез-тез кузатилади. Ваҳоланки, суд буйруғининг нусхасини қарздорга дарҳол юборилиши қарздор ҳуқуқларининг кафолати ҳисобланади.

Шундай экан, ушбу жараёнда қарздор ҳуқуқларини қўшимча равишда кафолатлаш мақсадида мамлакатимиз фуқаролик процессуал қонунчилигида суд буйруғининг кўчирма нусхасини қарздорга юборишнинг аниқ тартиби ва механизмини белгилаш мақсадга мувофиқ. Бу борада ўрганилган хорижий давлатлар қонунчилиги тажрибасида шунга ўхшаш механизмларга алоҳида эътибор берилади. Масалан, Қозоғистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 141-моддасида суд буйруғи у чиқарилган куннинг эртасидан кечиктирмай унинг олинганлик факти қайд этилишини таъминлайдиган алоқа воситалари орқали қарздорга топширилиши ёки юборилиши шартлиги белгиланган. Шунингдек, қарздор суд буйруғининг нусхасини олган кундан ёки унинг чиқарилганидан хабардор бўлган кундан эътиборан ўн иш куни ичида суд буйруғини чиқарган судга арз қилинган талабга қарши ўз эътирозини билдириш ҳуқуқига эга бўлади.

Ҳозирги кунда суд буйруғини бекор қилишда ҳам айрим муаммолар мавжуд. Масалан вафот этган ёки Ўзбекистон юрисдикциясидан ташқарида юрган фуқарога суд буйруғи чиқарилса, ва у ижро этиш учун юборилганида мажбурий ижро органлари томонидан судга ижро этиб бўлмаслиги сабабли қайтарилади. Ушбу ҳолатда суд суд буйруғини бекор қилишнинг процессуал механизми йўқ. Мана шундай ҳолатда Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг

181-моддасига ундирувчи ёки суд ташаббуси билан суд буйруғини бекор қилиш тўғрисида қоида киритиш мақсадга мувофиқ. Ушбу тажриба Россия Федерацияси, Қозоғистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексларида мавжуд [3].

Шунингдек, суд буйруғи чиқариш бўйича ишларни янада содалаштириш мақсадида ахборот коммуникация технологияларини янада кенг жорий этиш керак. Масалан, германиялик олим, судья Хайнрих Шнитгер таъкидлашича, Германияда суд буйруғи даъво тартибида кўриладиган ишларга нисбатан олти маротаба кўп чиқарилади. Суд буйруғи низосиз талабалар бўйича чиқарилган ижро ҳужжати ҳисобланади. Германияда ушбу иш юритишда судья иштирок этмайди. Бу ишларни суд ходимлари (судья ҳисобланмаган) бажаради. Шунингдек ушбу жараёни электрон технология асосида тизимли амалга оширилади. Аризани Интернет орқали бериш мумкин[4, С.15].

Юқоридаги ижобий тажрибадан келиб чиқиб, судьяларнинг иш юкламаларини қисқартириш, низосиз талаблар бўйича суд буйруғи чиқарилишини инobatга олган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг "Суд буйруғи" номли 18-бобига суд буйруғини судья ёрдамчиси чиқариши тўғрисида норма киритиш мақсадга мувофиқ.

Мамлакатимиз фуқаролик процессуал қонунчилигида буйруқ тартибида иш юритишнинг жорий этилиши субъектив ҳуқуқларни ҳимоя қилишнинг тезкорлигини ва уни рўёбга чиқишининг самарадорлигини оширади. Суд орқали ҳимоянинг барча учун қулай бўлишини таъминлайди, судьяларни иш юкламаларини камайтиради, тарафларни ортиқча харажатлардан озод қилади ҳамда суд ва ишда иштирок этувчи шахсларнинг вақтини тежайди. Буйруқ тартибида юритиладиган ишларнинг фуқароларни ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини содалаштирилган усулда тез ҳимоя қилишдаги аҳамиятини эътиборга олган ҳолда суд буйруғини чиқариш бўйича талаблар доирасини кенгайтириш давр талабидир. Шу маънода янги таҳрирдаги Фуқаролик процессуал кодексининг 171-моддасига "ички ишлар органлари, давлат ижрочилари қарздорни ёки унинг мол-мулкни қидириш бўйича харажатларнинг ўрнини қарздор томонидан қоплаш тўғрисидаги, суғурта шартномаси бўйича суғурталовчи (суғурта ташкилоти) томонидан қарзни ундириш, ягона жамғариб бориладиган пенсия фондига мажбурий пенсия тўловларини ундириш ҳақидаги талаблар" бўйича ҳам суд буйруғи чиқариш ҳақида қоидалар киритилса мақсадга мувофиқ бўлар эди. Бу бўйича хорижий тажрибага эътибор қаратадиган бўлсак, мазкур асослар бўйича суд буйруғи чиқариш Россия Федерацияси, Қозоғистон Республикаси, Қирғизистон Республикаси, Тожикистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексларида мавжуд [5].

Иқтибослар/Сноски/References

1. Ўзбекистон Республикаси Олий суд Раёсатининг Республика судларининг 2018 йил биринчи ярмида одил судловни амалга ошириш борасидаги фаолияти яқунлари ҳамда келгусидаги вазифалари тўғрисидаги Қарори.(Resolution of the Presidium of the Supreme Court of the Republic of Uzbekistan on the outcome and future tasks of the courts of the Republic in the implementation of justice in the first half of 2018)

2. Гражданский процессуальный кодекс Российской Федерации. <http://www.consultant.ru>; Гражданский процессуальный кодекс Республики Казахстан /

/ <http://www.frmp.kz/cgi-bin/index> (Code of Civil Procedure of the Russian Federation. <http://www.consultant.ru>; The Code of Civil Procedure of the Republic of Kazakhstan // <http://www.frmp.kz/cgi-bin/index>).

3. Гражданский процессуальный кодекс Российской Федерации. <http://www.consultant.ru>; Гражданский процессуальный кодекс Республики Казахстан / <http://www.frmp.kz/cgi-bin/index>. (Code of Civil Procedure of the Russian Federation. <http://www.consultant.ru>; The Code of Civil Procedure of the Republic of Kazakhstan // <http://www.frmp.kz/cgi-bin/index>).

4. Хайнрих Шнитгер. Правосравнительные комментарии по Гражданскому процессуальному кодексу Узбекистана // Сборник статей международного круглого стола на тему: "актуальные вопросы развития гражданского процессуального права". -Ташкент.:ТГЮУ, 2018. -С.15. (Heinrich Schnitger. Comparative comments on the Civil Procedural Code of Uzbekistan // Collection of articles of the international round table on the topic: "Topical issues of the development of civil procedural law". -Tashkent.: TSUL, 2018. -P.15.).


5. Гражданский процессуальный кодекс Российской Федерации. <http://www.consultant.ru>; Гражданский процессуальный кодекс Республики Казахстан / <http://www.frmp.kz/cgi-bin/index>; Гражданский процессуальный кодекс Кыргызской Республики // cbd.minjust.gov.kg/act/view/ru-ru; Гражданский процессуальный кодекс Республики Таджикистан // www.asia-realty.ru/co-zakon-tajikistan.php?Id=348. (Code of Civil Procedure of the Russian Federation. <http://www.consultant.ru>; The Code of Civil Procedure of the Republic of Kazakhstan // <http://www.frmp.kz/cgi-bin/index>; The Code of Civil Procedure of the Kyrgyz Republic // cbd.minjust.gov.kg/act/view/ru-ru; The Code of Civil Procedure of the Republic of Tajikistan // www.asia-realty.ru/co-zakon-tajikistan.php?Id=348).

ҲУҚУҚИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ ЖУРНАЛ ПРАВОВЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ JOURNAL OF LAW RESEARCH

12.00.04 ГРАЖДАНСКОЕ ПРОЦЕССУАЛЬНОЕ ПРАВО. ХОЗЯЙСТВЕННОЕ ПРОЦЕССУАЛЬНОЕ ПРАВО. ТРЕТЕЙСКИЙ ПРОЦЕСС И МЕДИАЦИЯ

Хайрулина Асаль Баходировна,
Преподаватель кафедры Гражданского
процессуального и экономического процессуального
права Ташкентского государственного
юридического университета
Email: asalkhayrulina@gmail.com.

МЕЖДУНАРОДНО-ПРАВОВЫЕ АСПЕКТЫ ЗАЩИТЫ ПРАВ ЖЕНЩИН В СИСТЕМЕ ООН

 DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9130-2019-13-10>

АННОТАЦИЯ

В статье были проанализированы международные механизмы защиты прав женщин, вопросы ликвидации всех форм дискриминации в отношении женщин, а также значение деятельности ООН в разрешении данной проблемы. В результате анализа были даны рекомендации о целесообразности присоединения Республики Узбекистан к Факультативному протоколу Конвенции о ликвидации всех форм дискриминации в отношении женщин.

Ключевые слова: ООН, ликвидация, дискриминация, права женщин, роль женщин, общество, Платформа действий, Факультативный протокол.

Хайрулина Асаль Баходировна,
Тошкент давлат юридик университети
Фуқаролик процессуал ва иқтисодий
процессуал ҳуқуқи кафедраси ўқитувчиси
Email: asalkhayrulina@gmail.com

БМТ ТИЗИМИДА АЁЛЛАРНИНГ ҲУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШНИНГ ХАЛҚАРО-ҲУҚУҚИЙ ЖИҲАТЛАРИ

АННОТАЦИЯ

Мақолада аёллар ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг халқаро механизмлари, аёлларга нисбатан камситишларнинг барча шаклларига барҳам берилиши ва ушбу муаммони ҳал қилишда БМТ фаолиятининг аҳамияти таҳлил қилинди. Таҳлил

натижасида Ўзбекистон Республикасининг Аёлларга нисбатан камситишларнинг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисидаги Конвенциянинг Факултатив протоколига қўшилиши мақсадга мувофиқлиги тўғрисида тавсиялар берилди.

Калит сўзлар: БМТ, барҳам бериш, камситиш, аёллар ҳуқуқлари, аёллар, жамиятнинг роли, Ҳаракатлар платформаси, Факултатив протокол.

Khayrulina Asal Bakhodirovna,
Lecturer of Civil Procedural
and Economic Procedural Law Department
of the Tashkent State University of Law
Email: asalkhayrulina@gmail.com.

LEGAL ASPECTS OF THE PROTECTION OF WOMEN'S RIGHTS WITHIN UN SYSTEM

ANNOTATION

Article analyses the international mechanisms for the protection of women's rights, the elimination of all forms of discrimination against women, to create and improve the effectiveness of national mechanisms for the advancement of women at the highest political level, as well as the importance of UN activities in resolving this problem. As a result of the analysis, recommendations were made on the advisability of accession of the Republic of Uzbekistan to the Optional Protocol to the Convention of All Forms of Discrimination against Women.

Keywords: UN, elimination, discrimination, women's rights, the role of women, society, Platform for Action, Optional Protocol.

For citation: Khayrulina Asal Bakhodirovna. Legal aspects of the protection of women's rights within UN system. 2019, special vol., issue 2, pp. 71-78

Многоплановое сотрудничество с Организацией Объединенных Наций - стратегический вектор внешней политики в рамках проводимых реформ в нашей стране. Особую актуальность приобретает значительная активизация деятельности ООН в масштабе всего мирового сообщества. Данный факт объясняется тем, что проблемы войны и мира, геноцида и дискриминации по различным признакам возросли до такой степени, что государства данные проблемы не могли решить на локальном уровне, и в целях сохранения относительного баланса возникла необходимость привлечения международных сил.

В частности, проблема дискриминации женщин за последние десятилетия не только получила территориальное распространение, но и вышла на качественно новый уровень. С одной стороны, непрерывная борьба за гендерное равноправие привела к широкой волне эмансипации, начиная со стран Скандинавского полуострова и Западной Европы, и заканчивая странами постсоветского региона. С другой стороны, обретение рядом государств независимости стало основанием для возвращения к историческим истокам и, к сожалению, не всегда совместимым с общечеловеческими ценностями. Так, под лозунгом возрождения исторических ценностей, культурных традиций народов сегодня практически происходит

возвращение к тем забытым и изжившим себя отношениям в обществе, когда женщина не относилась к субъектам, которые могли иметь права.

Распространение дискриминации женщин, и особенно такой ее формы, как насилие, достигло той критической точки, когда возникла реальная опасность за будущее всего человечества. Ведь ни для кого не секрет, что генофонд нации, а в масштабе всей планеты - генофонд всего народа зависит в большей своей части от женщины. Именно положение женщины, условия, в которых она живет, является показателем положительного либо отрицательного состояния того или иного народа.

Понимая серьезность данной проблемы и осознавая невозможность государств искоренить ее на национальном, внутригосударственном уровне, в последнее время ООН стала активизировать и укреплять международные механизмы по возрождению, сохранению, поддержанию и защите прав женщин.

В настоящее время деятельность ООН по вопросам разрешения женской проблемы достигла успешных результатов и утвердилась в мировом сообществе как целая система - ооновская система защиты прав человека женщин. Данная система предполагает наличие различных международных механизмов защиты прав женщин.

Понятие международного механизма защиты прав человека женщин весьма объемно. Важнейшими его составляющими являются:

международные документы (Конвенции, Декларации, договоры)

международные организации и их органы

практика применения международных документов

международный контроль и процедуры рассмотрения споров.

Учитывая географические и иные особенности Республики Узбекистан, необходимо отметить, что не все международные механизмы защиты прав женщин могут быть применимы по отношению к нашей республике.

С точки зрения международно-правовой защиты прав женщин особая роль отводится Конвенции 1979 года "О ликвидации всех форм дискриминации в отношении женщин". Специфика данной Конвенции состоит не только в широком охвате регламентируемых ею гендерных проблем, но и в том, что к настоящему времени она ратифицирована большинством существующих ныне государств, в число которых, однако, не входит США [1, С.177].

В соответствии со статьей 17 Конвенции 1979 года для рассмотрения хода осуществления ее положений учреждается Комитет по ликвидации дискриминации в отношении женщин.

Функции Комитета осуществляются главным образом посредством рассмотрения докладов, представленными государствами-участниками. По результатам своего рассмотрения Комитет высказывает предложения и рекомендации. Он вправе также предложить специализированным учреждениям ООН представить свои доклады и может получать информацию от неправительственных организаций. Ежегодно Комитет представляет доклад о своей работе Генеральной Ассамблее через Экономический и Социальный Совет, и положению женщин для информации.

Ратифицируя Конвенцию или присоединяясь к ней, государства-участники берут на себя юридическое обязательство представлять исчерпывающие доклады. Многие государства не выполняют этого обязательства. Независимо от причины

невыполнения этого обязательства конечным результатом является большое число непредставленных докладов и значительная доля неполных или неадекватных докладов.

Доклады, представляемые государствами-участниками, не всегда точно отражают положение в области прав человека женщин в данной стране и не всегда выявляют конкретные проблемы, вызывающие беспокойство. Информация и статистические данные независимых правозащитных организаций приносят Комитету большую пользу при оценке фактического положения женщин в отдельных государствах. Такие материалы будут крайне полезны для выполнения членами Комитета их задач по анализу докладов государств-участников. По мере возможности, эти материалы должны содержать ссылки на конкретные статьи Конвенции, которые связаны с рассматриваемыми проблемами или вопросами. Неправительственные и другие организации могут письменно обращаться в Комитет через Отдел по улучшению положения женщин. Данный отдел может также представлять информацию о том, доклады каких государств-участников будут рассматриваться на той или иной сессии. Следует отметить, что аккредитованные представители неправительственных организаций могут присутствовать на сессиях Комитета в качестве наблюдателей. Таким образом, в целях прекращения широко распространенных и систематических нарушений прав человека действенным механизмом является подготовка "теневого отчета" и направление его в Комитет по ликвидации дискриминации в отношении женщин, куда правительство, нарушающее права, уже представляет периодические официальные отчеты. Кроме того, следует направить теневой отчет в любой внутренний административный орган по правам человека.

Факультативный протокол к Конвенции о ликвидации всех форм дискриминации в отношении женщин [2], одобренный Генеральной ассамблеей ООН 6 октября 1999 года, допускает право подачи женщинами и женскими неправительственными организациями индивидуальных жалоб о нарушении Конвенции. Однако РУз не ратифицировала данный протокол, соответственно данный механизм для нашей страны не доступен.

Однако, Конвенция CEDAW не в полной мере регулирует отношения в сфере защиты прав женщин. Так, в Конвенции не содержится определения термина "насилие" в отношении женщин. Следовательно, в силу отсутствия полномочий Комитет CEDAW не вправе рассматривать данную проблему.

При этом, основными препятствиями в реализации прав женщин и их участия наравне с мужчинами в жизни общества являются насилие и угроза совершения насилия в отношении женщин. Между тем акты насилия нередко остаются незамеченными и незарегистрированными, поэтому в отношении них не принимается никаких мер. В условиях роста общей напряженности и насилия в обществе, как это происходит в переживающем переходный период регионе, безопасность женщин дома, на работе и в общественных местах бывает зачастую серьезно ослаблена.

Со времени признания того, что насилие против женщин является важной частью механизма подчинения женщин, различные виды насилия трактовались по-разному. Вначале международные правозащитные органы не занимались насилием против женщин, поскольку его считали "частным" делом, касающимся отдельных лиц и не подпадающим под юрисдикцию международных конвенций.

Международное сообщество рассматривало проблему в контексте государственного суверенитета в том смысле, что любое вмешательство ООН или другого международного органа будет воспринято как нарушение суверенитета государства.

Однако, на основании принципа ответственности государства перед своими гражданами, оговоренного в международных конвенциях, стало возможным перенести понятие насилия против женщин из "частной" в "общегосударственную" сферу.

Декларация об искоренении насилия в отношении женщин, принятая Организацией Объединенных Наций в 1993 году, определяет термин "насилие в отношении женщин" как действия, включающие "любой акт насилия, совершенный на основании полового признака, который причиняет или может причинить физический, половой или психологический ущерб или страдания женщинам, а также угрозы совершения таких актов, принуждение или произвольное лишение свободы, будь то в общественной или личной жизни". Насилие в отношении женщин имеет свою специфику, а значит, требует принятия особых мер. Обусловленность такого насилия половым признаком совершенно очевидна; женщины, например, подвергаются большей опасности насилия у себя дома, чем на улице, и насилие в отношении женщин часто проявляется в форме сексуального посягательства.

Акты насилия в отношении женщин и девушек являются серьезным нарушением их прав человека и наносят огромный вред их физическому и психическому здоровью. По оценкам Всемирного банка, в промышленно развитых странах на изнасилования и насилие в семье в общем показателе смертности женщин в возрасте 15-44 лет приходится 19 процентов. Это означает, что женщины теряют каждый пятый год здоровой жизни в результате травм, болезней или преждевременной смерти вследствие актов насилия.

Четвертая всемирная конференция по положению женщин, состоявшаяся в 1995 году в Пекине, еще раз подтвердила, что одним из приоритетных направлений политики правительств и ООН является жизненно необходимое для прогресса женщин полное и равное обладание правами человека и основными свободами. Конференция подчеркнула, что правительства должны не только пресекать нарушение общечеловеческих прав женщин, но и проводить активную работу по поддержке и защите этих прав.

Принятая на Пекинской Конференции Платформа действий включает неуважение прав человека женщин в число 12 самых актуальных задач, требующих принятия государственных и международных мер. Платформа призывает к максимальному использованию всех механизмов и инструментов по защите прав человека, особенно Конвенции ООН о ликвидации всех форм дискриминации в отношении женщин. В ней также подчеркивается важность обеспечения гарантий равенства и отсутствия дискриминации законодательно и на практике и распространение правовой грамотности.

Платформа действий содержит комплекс мер по каждой обозначенной проблеме, которые должны привести к радикальным изменениям. Их осуществление является главной обязанностью правительств, однако оно зависит также от широкого круга учреждений в государственном, частном и неправительственном секторах на уровне общин, а также на национальном, региональном и международном уровнях [3].

Правительства несут главную ответственность за осуществление Платформы

действий. Для ее реализации необходима приверженность курсу Платформы на самом высоком политическом уровне, и правительства должны выступать в роли лидеров в том, что касается координации, контроля и оценки прогресса в области улучшения положения женщин.

Для осуществления Платформы действий необходимо, чтобы правительства провели мероприятия по созданию и повышению эффективности национальных механизмов по улучшению положения женщин на самом высоком политическом уровне, соответствующих внутриведомственных и межведомственных процедур и кадровых структур и других учреждений, располагающих полномочиями и потенциалом в области расширения участия женщин и включения гендерного анализа в политику и программы. Правительствам следует взять на себя обязательство по обеспечению гендерного баланса, в частности на основе создания специальных механизмов во всех назначаемых государством комитетах, советах и других официальных органах, при необходимости, а также во всех международных органах, учреждениях и организациях, прежде всего путем представления и повышения по службе большего числа кандидатов из числа женщин.

Комиссия ООН по положению женщин на сорок второй сессии в 1998 году предложила странам - членам ООН и международному сообществу принять дальнейшие меры по поддержке общечеловеческих прав женщин, в том числе включение гендерной проблематики во все соответствующие стратегии и программы. Среди выводов Комиссии - необходимость мероприятий по организации и поддержке проведения общенациональных и местных диалогов о значении прав человека, половой дискриминации и нарушениях прав женщин. В резолюции также подчеркнута необходимость гарантированного существования правовых и нормативных рамок, обеспечивающих полную реализацию общечеловеческих прав женщин и девочек.

В деле прогресса женщин и достижений равенства полов Платформа действий выдвигает на первый план роль Конвенции ООН о ликвидации всех форм дискриминации в отношении женщин. Конвенция является не только международным документом о правах женщин, но и руководством к действию для правительств по обеспечению гарантий соблюдения этих прав.

Невозможно переоценить значение принятой в Республике Узбекистан специальной программы действий по улучшению положения женщин. Данная программа носит название Национальной Платформы действий по улучшению положения женщин в Узбекистане и повышению их роли в обществе. Она определяет общую стратегию и приоритетные направления государственной политики в отношении женщин и нацелена на реализацию принципа равных прав и свобод, создания равных возможностей для женщин и мужчин в соответствии с Конституцией РУз, международными обязательствами и рекомендациями IV Всемирной Конференции по положению женщин "Действия в интересах равенства, развития и мира", с учетом реальной социально-экономической ситуации в современном Узбекистане.

Национальная Платформа действий предполагает объединение усилий Правительства, парламентариев, государственных и общественных организаций, гражданского сектора для повышения активности женщин в процессах становления и развития демократического общества.

В 2017 году Республикой Узбекистан был представлен V доклад в Комитет по

ликвидации дискриминации в отношении женщин. В данном документе отражены все меры по приведению национального законодательства и правоприменительной практики в соответствие с требованиями Конвенции. По итогам рассмотрения пятого периодического отчета Комитетом ООН были положительно оценены стратегические меры Узбекистана и представлены Заключительные рекомендации.

Отметим, что на сегодняшний день Узбекистан присоединился более чем к 70ти международным документам, в том числе к 10ти договорным документам ООН, и выполняет все взятые на себя обязательства в области прав человека. В целях обеспечения прав женщин в соответствии с международными нормами и правовыми стандартами страна также присоединилась к Конвенции по ликвидации всех форм дискриминации в отношении женщин (CEDAW) [4].

В свою очередь Узбекистан также присоединился к таким судьбоносным в сфере прав человека документам, как:

а) второй Факультативный протокол к Международному пакту о гражданских и политических правах, направленный на отмену смертной казни, - 23 декабря 2008 года;

б) Факультативный протокол к Конвенции о правах ребенка, касающийся участия детей в вооруженных конфликтах, - 23 декабря 2008 года;

с) Факультативный протокол к Конвенции о правах ребенка, касающийся торговли детьми, детской проституции и детской порнографии, - 23 декабря 2008 года;

д) Протокол о предупреждении и пресечении торговли людьми, особенно женщинами и детьми, и наказании за нее, дополняющий Конвенцию Организации Объединенных Наций против транснациональной организованной преступности, - 12 августа 2008 года;

е) конвенции Международной организации труда № 138 о минимальном возрасте для приема на работу и № 182 о запрещении и немедленных мерах по искоренению наихудших форм детского труда - в апреле 2008 года.

Вместе с тем, Узбекистан на сегодняшний день является одним из немногих государств, не присоединившихся к Факультативному протоколу к Конвенции по ликвидации всех форм дискриминации в отношении женщин. Данный факт означает, что наше государство, наше общество и наша Женщина крайне ограничена в своих возможностях защитить свои нарушенные права на международном уровне. Равный доступ к правосудию для женщин и мужчин необходим для создания правового государства. Пренебрежение государством конкретными потребностями женщин, связанными с их доступом к правосудию, автоматически ставит женщину в положение граждан второго сорта. Даже наиболее всеобъемлющее законодательство о правах человека женщин не устраняет дискриминационной практики, если государство не внедряет социальные и образовательные реформы, направленные на устранение гендерных стереотипов, и не способствует расширению прав и возможностей женщин, а также реальному гендерному равенству.

Резюмируя вышеуказанное, хотелось бы сказать, с целью обеспечения гендерного равенства на практике и возможности использования женщинами систем государственного правосудия Узбекистану необходимо присоединение к Факультативному протоколу к Конвенции, что позволит совершенствовать правовую базу, улучшить реализацию принятых законов, улучшить социально-

экономическое положение женщин.

Более того, присоединившись к Протоколу, Узбекистан сможет на международном уровне заявить о себе как о государстве, полностью следующему курсу улучшения положения женщин, провозглашенному Пекинской Платформой действий и Национальной Платформой действий и сделать значительный шаг на пути к полному обеспечению принципа не дискриминации не только в законодательстве, но и в обществе.

Таким образом, значение деятельности ООН в разрешении данной проблемы, несомненно, велика. Однако, необходимо существование взаимодополняющего, взаимопроникающего и взаимозависящего сотрудничества между ООН и правительствами и ННО государств. Ведь без существования надлежащих национальных, внутригосударственных механизмов реализации программ и документов ООН, достижение поставленной цели невозможно.

Сноски/Иқтибослар/Referenses

1. С.В. Поленина "Права женщин в системе прав человека: международный и национальный аспект" Москва-2000, стр.177 (S.V. Polenina "Women's rights in the human rights system: the international and national aspect" Moscow-2000, p. 177)

2. Факультативный протокол к Конвенции о ликвидации всех форм дискриминации в отношении женщин //un.org// (Optional Protocol to the Convention of All Forms of Discrimination against Women //un.org//)

3. "Пекинская декларация и Платформа действий и Пекин+5: Политическая декларация и Итоговый документ" Департамент общественной информации, Нью-Йорк-2002 ("Beijing Declaration and Platform for Action and Beijing + 5: Political Declaration and Final Document" Department of Public Information, New York 2002)


4. Круглый стол по осуществлению конвенции ООН 14-декабря-2017-года eastwoman.uz (Round table on the implementation of the UN Convention December 14, 2017 eastwoman.uz)

ҲУҚУҚИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ ЖУРНАЛ ПРАВОВЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ JOURNAL OF LAW RESEARCH

12.00.06 ПРИРОДОРЕСУРСНОЕ ПРАВО. АГРАРНОЕ ПРАВО.
ЭКОЛОГИЧЕСКОЕ ПРАВО

Мирзаабдуллаева Матлуба Рустамовна,
Тошкент давлат юридик университети
Экология ва аграр ҳуқуқи кафедраси
доценти, юридик фанлари номзоди

ТОМОРҚА ЕРИ ТУШУНЧАСИ ВА УНИНГ ЕР ҚОНУНЧИЛИГИДАГИ ҲУҚУҚИЙ МАҚОМИ

 DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9130-2019-13-11>

АННОТАЦИЯ

Мақолада томорқа ери тушунчаси, уни деҳқон хўжалигининг ер участкасидан фарқи тегишли норматив ҳуқуқий ҳужжатлар асосида таҳлил қилинган. Томорқа ери тушунчасига ҳуқуқий таъриф берилган. Муаллиф томонидан ер қонунчилигини янада такомиллаштиришга қаратилган таклифлар ишлаб чиқилган.

Таянч сўзлар: Ер, томорқа ери, қишлоқ хўжалиги, ер қонунчилиги, фармон, қарор, ҳуқуқ, ҳуқуқий тушунча, деҳқон хўжалиги, томорқа ер эгалари.

Мирзаабдуллаева Матлуба Рустамовна,
Доцент кафедраси "Экологическое и
аграрное право" Ташкентского государственного
юридического университета,
кандидат юридических наук

ПОНЯТИЕ ПРИУСАДЕБНЫХ ЗЕМЕЛЬ И ИХ ПРАВОВОЙ СТАТУС В ЗЕМЕЛЬНОМ ЗАКОНОДАТЕЛЬСТВЕ

АННОТАЦИЯ

В статье на основе соответствующих нормативно-правовых актов анализируется понятие и правовой режим приусадебных земель, их отличие от земельного участка дехканского хозяйства. Автором выработано понятие "приусадебных земель" и даны практические предложения по дальнейшему совершенствованию земельного законодательства.

Ключевые слова: Земля, приусадебные земли, сельское хозяйство, земельное

законодательство, указ, постановление, права, правовое понятие, дехканские хозяйства, владельцы приусадебных земель.

Mirzaabdullaeva Matluba Rustamovna,
Associate Professor of the Department
"Environmental and Agricultural Law"
Tashkent State University of Law,
Ph.D in Law

THE CONCEPT OF HOMESTEAD LANDS AND THEIR LEGAL STATUS IN LAND LEGISLATION

ANNOTATION

This article, on the basis of the relevant regulatory legal acts, analyzes the concept and legal regime of homestead lands, their difference from the land plot of the dekhkan farm. A legal definition of the concept of homestead land has been provided. The author has developed the concept of "homestead land" and gives practical suggestions for further improvement of land legislation.

Keywords: land, homestead land, agriculture, land legislation, decree, resolution, law, legal concept, dekhkan farms, homestead land owners

For citation: Mirzaabdullaeva Matluba Rustamovna. THE CONCEPT OF HOMESTEAD LANDS AND THEIR LEGAL STATUS IN LAND LEGISLATION. 2019, special vol., issue 2, pp. 79-85

Республикамизнинг иқтисодий барқарорлиги ва фуқароларнинг муносиб ҳаёт кечиришини таъминлашда мавжуд ер майдонларидан оқилона ва самарали фойдаланиш, ер эгалари учун қулай ишбилармонлик муҳитини яратиш масаласи алоҳида ўрин тутди. Сўнгги йилларда давлатимиз томонидан олиб борилаётган иқтисодий ислохотлар фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари фаолиятини ҳар томонлама қўллаб қувватлаш, зарурий имкониятларни яратишга қаратилмоқда. Амалга оширилаётган ислохотларда ердан фойдаланувчиларни рағбатлантириш билан бир қаторда, уларнинг ижтимоий масъулиятини оширишга ҳам катта эътибор қаратилмоқда. Хусусан, узоқ йиллар "қонундан четда" қолиб келаётган томорқа ер эгаларини ердан фойдаланиш борасидаги мажбуриятлари "ёдга олинди". Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 9 октябрдаги "Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, қишлоқ хўжалиги экин майдонларидан самарали фойдаланиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида" [1] ги ПФ-5199-сон фармонида фермер, деҳқон хўжаликлари қаторида томорқа ер эгаларининг ҳам экин майдонларидан самарали фойдаланишдаги шахсий манфаатдорлиги ва масъулиятини ошириш, бу борада жамоатчилик назоратининг таъсирчан тизимини яратиш кўзда тутилди. Фармон билан 2018 йил ҳосилидан бошлаб деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларининг экин майдонларидан фойдаланиш самарадорлиги ҳар ойда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида муҳокама қилиб борилиши белгиланди. Ер эгаларининг бу борадаги масъулиятини ошириш мақсадида ер майдонларидан самарасиз фойдаланган,

қишлоқ хўжалиги экинларини тўлиқ экмаган, агротехник тадбирларни ўз вақтида амалга оширмаган фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларига нисбатан ер участкаларига бўлган ҳуқуқларнинг бекор қилинишигача бўлган қатъий жавобгарлик чоралари кўрилиши мустаҳкамланди.

Шу ўринда, томорқа ер эгаларининг республикамиз аҳолисини қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан таъминлашдаги хиссалари салмоқли эканлигини, уларнинг масъулиятини оширишга қаратилган тадбирлар ердан фойдаланиш самарадорлигини янада оширишга йўналтирилганлигини айтиб ўтиш жоиз бўлади. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг маълумотларига кўра республикамизда 2018 йилнинг январ - декабр ойларида ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажмининг ўсиши 2017 йилнинг мос даврига нисбатан 100,2 % ни, шу жумладан, деҳқончилик маҳсулотлари - 95,3 % ни, чорвачилик маҳсулотлари - 106,5 % ни ташкил қилган. Қўмитанинг хабар беришича деҳқон, шахсий ёрдамчи (яъни томорқа ер эгалари) хўжаликлари деҳқончилик маҳсулотларининг аксарият турларини асосий ишлаб чиқарувчилари бўлиб қолмоқда[2]. 2018 йилнинг январ - декабр ойларида картошка умумий ҳажмининг 88,4 %и, сабзавотларнинг 74,3 %и, полизнинг 60,8 %и, мевалар ва резаворларнинг 62,6 %и, узумнинг 55,0 %и томорқа ер эгалари томонидан ишлаб чиқарилган.

Давлат статистика қўмитасининг 2019 йилнинг январ - июн ойларида етиштирилган қишлоқ хўжалиги маҳсулоти улушининг ҳудудлар бўйича хўжаликлар тоифалари кесимида тақсимланиши таҳлил қилинганда, энг юқори кўрсаткичлар барча ҳудудларда деҳқон, шахсий ёрдамчи (яъни томорқа ер эгалари) хўжаликлар ҳисобига тўғри келиши кузатилган[3].

Бугунги кунда халқимизнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётида муҳим ўрин тутаятган "томорқа ери"нинг ҳуқуқий тушунчаси қандай, ер қонунчилигида унинг мақоми белгиланганми?. Албатта, бу масалаларни таҳлилий ўрганиш, саволларга ер қонунчилиги нуқтаи назаридан жавоб топиш ер ҳуқуқи фани олдида турган долзарб масалалардан ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси[4]да тўғридан-тўғри "томорқа ери" тушунчаси берилмаган. Кодекснинг 55 ва 56 моддалари мазмунидан фуқароларга деҳқон хўжалиги юритиш учун бериладиган ер участкалари "томорқа ери" деб тушунилишини англаш мумкин. Ўзбекистон Республикасининг "Деҳқон хўжалиги тўғрисида"[5]ги қонунининг 7-моддасида томорқа ер участкаси тушунчасига таъриф берилган бўлиб, унга кўра "Томорқа ер участкаси - қишлоқ хўжалик маҳсулотини эркин савдо ҳамда оила эҳтиёжлари учун етиштириш, шунингдек якка тартибдаги уй-жой қурилиши ҳамда уй-жойни ободонлаштириш мақсадида оила аъзоларидан бирига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилишга қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва ўлчамларда ажратиб бериладиган ер участкасидир". Кўриниб турибдики, деҳқон хўжалигини юритиш учун бериладиган ер участкаси "томорқа ери" ҳисобланади. Деҳқон хўжалиги "томорқа ери"дан фойдаланувчи бўлса, "томорқа ер эгаси" сифатида кимни тушунамиз?

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 10 октябрдаги "Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари фаолиятини янада ривожлантириш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида"[6]ги ПҚ-3318 сон қарорининг 6-бандини тўртинчи хат бошисида "якка тартибда уй-жой қуриш ва уй-жойни ободонлаштириш учун берилган ер участкаларининг томорқа қисмида асосиз равишда қишлоқ хўжалиги экинлари экмаган ёки уни ободонлаштирмаган ер

эгаларига нисбатан белгиланган ер солиғи ставкасининг уч баробар оширилган миқдори" қўлланилиши кўрсатилган. Эътиборимизни "якка тартибда уй-жой қуриш ва уй-жойни ободонлаштириш учун берилган ер участкаларининг томорқа қисмида" деган жумлаларга қаратамиз. Президент қароридаги ушбу жумла орқали томорқа ери эгалари ва уларнинг "томорқа ери" масаласига ойдинлик киритилган. Ушбу орқали биз, "томорқа ери эгаси" сифатида якка тартибда уй-жой қуриш ва уй-жойни ободонлаштириш учун берилган ер участкалари эгаларини тушунишимиз мумкин бўлади. Ўз навбатида "томорқа ери" якка тартибда уй-жой қуриш ва уй-жойни ободонлаштириш учун берилган ер участкаларини бино ва иншоотлар билан қопланмаган қисми ҳисобланади.

Қонун ҳужжатларини ўрганишимиз шуни кўрсатмоқдаки, деҳқон хўжалигини ер участкаси ҳам ва томорқа ери эгасининг ер участкаси ҳам "томорқа ери" сифатида тушунилмоқда. Бу эса, ердан фойдаланувчи икки мустақил субъектлар, деҳқон хўжалиги ва томорқа ер эгаларининг ер участкаларини бир-биридан фарқловчи жиҳатларини аниқлашни талаб этмоқда.

"Деҳқон хўжалиги тўғрисида"ги қонуннинг 7-моддасига мувофиқ, деҳқон хўжаликларига ер участкаси энг аввало "қишлоқ хўжалик маҳсулотини эркин савдо ҳамда оила эҳтиёжлари учун етиштириш"ни мақсад қилган ҳолда берилади. Қолаверса, деҳқон хўжалиги қонуннинг 1-моддасига муқофиқ оилавий майда товар хўжалиги бўлиб, берилган ер участкасида қишлоқ хўжалиги маҳсулоти етиштиради ва реализация қилади. Деҳқон хўжалиги фаолияти тадбиркорлик жумласига киради. Шунингдек, қонуннинг 8-моддасини иккинчи хат бошисига мувофиқ деҳқон хўжалиги юритиш учун ер участкалари иморатлар ва иншоотлар қуриш ҳуқуқисиз берилиши кўрсатилган. Бундан кўриниб турибдики, деҳқон хўжалиги ва томорқа ер эгаларининг ер участкаларини фарқли жиҳатлари, бу ер участкаларидан фойдаланиш мақсади билан чамбарчас боғлиқ экан. Томорқа ер эгаларига ер участкалари "якка тартибда уй-жой қуриш ва уй-жойни ободонлаштириш" учун берилса, деҳқон хўжаликларига ер участкалари "қишлоқ хўжалик маҳсулотини эркин савдо ҳамда оила эҳтиёжлари учун етиштириш" мақсадларида "иморатлар ва иншоотлар қуриш ҳуқуқисиз" берилади.

"Деҳқон хўжалиги тўғрисида"ги қонуннинг 7 ва 8 моддаларини ўқир эканмиз, назаримизда юридик коллизия борга ўхшайди. Чунки, қонуннинг 7 ва 8-моддаларида қарама-қарши фикрларга дуч келамиз. 7-моддада томорқа ер участкаси - қишлоқ хўжалик маҳсулотини эркин савдо ҳамда оила эҳтиёжлари учун етиштириш, шунингдек якка тартибдаги уй-жой қурилиши ҳамда уй-жойни ободонлаштириш мақсадида берилиши кўрсатилса, 8-моддада деҳқон хўжалиги юритиш учун ер участкалари иморатлар ва иншоотлар қуриш ҳуқуқисиз берилиши белгиланган.

Фикримизча, Ўзбекистон Республикасининг "Деҳқон хўжалиги тўғрисида"ги қонунининг 7 ва 8 моддаларидаги қарама-қаршиликни 7-моддага ўзгартириш киритиш йўли билан бартараф этилиши мақсадга мувофиқ. Қонуннинг ушбу моддаси қонунга бир неча бор киритилган ўзгартириш ва қўшимчалардан четда қолиб кетмоқда. Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 25 декабрдаги "Қишлоқ ва сув хўжалигида иқтисодий ислохотлар чуқурлаштирилганлиги муносабати билан ўзбекистон республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"[7]ги ЎРҚ-240-сон қонуни билан қонуннинг 5, 6, 8 ва 11 моддаларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди. Хусусан, 8-моддага "Деҳқон

хўжалиги юритиш учун ер участкалари иморатлар ва иншоотлар қуриш ҳуқуқисиз берилади" деган қоида ҳам шу қонун билан киритилди. Бироқ, 8-моддага киритилган янги қоидага бевосита боғлиқ бўлган 7-моддага эътибор қаратилмади. Қонуннинг 7-моддаси "якка тартибдаги уй-жой қурилиши ҳамда уй-жойни ободонлаштириш мақсади"ни белгилаганича, 8-модда талабига номувофиқликни сақлаган ҳолда ҳамон амалда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 10 октябрдаги "Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари фаолиятини янада ривожлантириш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПҚ-3318 сон қарори билан "Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари фаолиятини янада ривожлантириш, уларнинг экин майдонларидан самарали фойдаланишни ташкил этиш бўйича чора-тадбирлар ДАСТУРИ" тасдиқланиб, унда "деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер участкаларининг ўзаро фарқли хусусиятларини белгилаш" юзасидан тегишли қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш кўзда тутилган эди. Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 21 декабрда "Қишлоқ хўжалигида экин майдонларидан самарали фойдаланиш механизми такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"[8]ги ЎРҚ-506-сон қонуни қабул қилинди. Ушбу қонун билан Ўзбекистон Республикасининг "Деҳқон хўжалиги тўғрисида"ги қонунининг 1, 8, 9, 10, 12, 27 моддаларидан "томорқа" деган сўз чиқариб ташланди. Томорқа ери тушунчаси қонуннинг фақатгина 7-моддасидагина сақланиб қолди. Ваҳоланки, деҳқон хўжаликларига берилган ер участкалари "томорқа ер"и сифатидаги хусусиятини "иморатлар ва иншоотлар қуриш ҳуқуқисиз берилиши" билан йўқотди. Томорқа ери маъноси ҳам уй-жойни орқасидаги ер тушунчасини беради. Шунинг учун ҳам қонуннинг 7-моддасидан "томорқа" сўзини чиқариб ташлаш мақсадга мувофиқ.

Бизнингча, фуқароларга деҳқон хўжалигини юритиш учун 2009 йилнинг 31 декабригача берилган ер участкаларида уй-жой қурилиб, унга нисбатан мулк ҳуқуқи эътироф этилган бўлса, ер участкаларини якка тартибда уй-жой қуриш учун берилган ер участкалари сифатида давлат даражасида эътироф этиш мақсадга мувофиқ. Фикримизча, таклиф этилаётган тадбир учун катта молиявий харажатлар талаб этилмайди. Чунки, ер қонунчилигига мувофиқ деҳқон хўжалигини юритиш учун ҳам якка тартибда уй-жой қуриш учун ҳам берилган ер участкалари битта ҳуқуқ "ер участкаларига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқи" билан берилади. Амалда деҳқон хўжалигини юритиш учун берилган ерда якка тартибда уй-жой қурилган бўлса, фойдаланиш мақсадига кўра бу ер участкасини якка тартибда уй-жой қуриш учун берилган ерлардан фарқи йўқ десак хато бўлмайди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 18 мартдаги "Деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер участкаларидан самарали фойдаланишни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида"[9]ги 205-сон қарори билан тасдиқланган "Деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер участкаларидан самарали фойдаланишни ташкил этиш ва мониторингини юритиш тартиби тўғрисида"ги низомда деҳқон хўжалиги ва томорқа ер участкаси тушунчалари берилган. Унга кўра "деҳқон хўжалиги - оилавий майда товар хўжалиги бўлиб, оила аъзоларининг шахсий меҳнати асосида, мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш учун оила бошлиғига берилган томорқа ер участкасида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари

етиштирувчи хўжалик". Деҳқон хўжалигига берилган ушбу таъриф Деҳқон хўжалиги тўғрисидаги қонуннинг 1-моддаси талабига мувофиқ келмайди. Яъни низомда берилган тушунчада "томорқа" сўзи мавжуд. Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 21 декабрда "Қишлоқ хўжалигида экин майдонларидан самарали фойдаланиш механизми такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги ЎРҚ-506-сон қонуни билан Деҳқон хўжалиги тўғрисидаги қонуннинг 1-моддасидан "томорқа" сўзи чиқариб ташланган.

Шунингдек, низомда "томорқа ер" участкасига берилган тушунча Деҳқон хўжалиги тўғрисидаги қонуннинг 7-моддасига тўлиқ мувофиқ келади. Бизнингча, "томорқа ер"и тушунчасини ёритишда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 10 октябрдаги ПҚ-3318 сон қарорига асосланиш мақсадга мувофиқ.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, ер қонунчилигини такомиллаштиришга қаратилган қуйидаги таклифларни берамиз:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 18 мартдаги 205-сон қарори билан тасдиқланган "Деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер участкаларидан самарали фойдаланишни ташкил этиш ва мониторингини юритиш тартиби тўғрисида"ги низомда "томорқа ер" участкаси тушунчасини қуйидаги тахрирда баён этиш: томорқа ер участкаси - якка тартибда уй-жой қуриш ва уй-жойни ободонлаштириш учун берилган ер участкаларининг бино ва иншоотлар билан банд қилинмаган, шунингдек ободонлаштиришга қаратилмаган қисми.

2. "Деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер участкаларидан самарали фойдаланишни ташкил этиш ва мониторингини юритиш тартиби тўғрисида"ги низомда берилган деҳқон хўжалиги тушунчасига берилган таърифни Деҳқон хўжалиги тўғрисидаги қонуннинг 1-моддаси талабига мувофиқлаштириш.

3. Ўзбекистон Республикасининг "Деҳқон хўжалиги тўғрисида"ги қонунининг 7-моддасига қуйидагича ўзгартириш киритиш:

Деҳқон хўжалигини ер участкаси- қишлоқ хўжалик маҳсулотини эркин савдо ҳамда оила эҳтиёжлари учун етиштириш мақсадида оила аъзоларидан бирига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилишга қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва ўлчамларда ажратиб бериладиган ер участкасидир.

Деҳқон хўжалигини ер участкасига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқи Ер участкасига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқини берувчи давлат ҳужжати билан гувоҳлантирилади.

4. Фуқароларга деҳқон хўжалигини юритиш учун 2009 йилнинг 31 декабригача берилган ер участкаларини якка тартибда уй-жой қуриш учун берилган ер участкалари сифатида эътироф этишга қаратилган давлат даражасида "бир марталик умумдавлат акцияси"ни ўтказиш.

Иқтибослар/Сноски/ References

1. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 10.10.2017 й., 06/17/5199/0078. (National database of legislative acts of the Republic of Uzbekistan, 10.10.2017 06/17/5199/0078)

2. <https://stat.uz/uploads/docs/selxoz-yan-dek-uz.pdf>

3. https://stat.uz/uploads/docs/qishloq_22.07.2019_uz.pdf

4. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 й., 5-

6-сон, 82-модда;...Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 05.01.2018 й., 03/18/456/0512-сон; 19.04.2018 й., 03/18/476/1087-сон;... 05.03.2019 й., 03/19/526/2701-сон, 05.04.2019 й., 03/19/533/2885-сон. (Bulletin of the Oliy Majlis of the Republic of Uzbekistan,1998 № 5-6, art. 82;... National database of legislative acts of the Republic of Uzbekistan 05.01.2018., №. 03/18/456/0512; 19.04.2018., №03/18/476/1087; 05.03.2019.,№ 03/19/526/2701; 05.04.2019. № 03/19/533/2885.)

5. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 й., 5-6-сон, 88-модда; 2001 й., 1-2-сон, 23-модда; 5-сон, 89-модда; ... Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 21.12.2018 й., 03/18/506/2356-сон; 05.04.2019 й., 03/19/533/2885-сон (Bulletin of the Oliy Majlis of the Republic of Uzbekistan,1998 № 5-6, art.88; 2001. №1-2, art.23; № 5. art. 89;□ National database of legislative acts of the Republic of Uzbekistan 21.12.2018., №03/18/506/2356; 05.04.2019., №03/19/533/2885.;

6. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 11.10.2017 й., 07/17/3318/0094-сон; 19.01.2018 й., 06/18/5304/0591-сон; 27.04.2018 й., 07/18/3680/1110-сон;...23.02.2019 й., 06/19/5668/2652-сон; 24.05.2019 й., 06/19/5728/3180-сон (National database of legislative acts of the Republic of Uzbekistan 11.10.2017, № 07/17/3318/0094; 19.01.2018, №06/18/5304/0591; 27.04.2018, № 07/18/3680/1110;...23.02.2019, № 06/19/5668/2652; 24.05.2019, № 06/19/5728/3180)

7. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 52-сон, 555-модда (National database of legislative acts of the Republic of Uzbekistan 2009, №52 art.555)

8. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 21.12.2018 й., 03/18/506/2356-сон (National database of legislative acts of the Republic of Uzbekistan 21.12.2018, № 03/18/506/2356)


9. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 23.03.2018 й., 09/18/205/0921-сон; 14.03.2019 й., 09/19/216/2764-сон (National database of legislative acts of the Republic of Uzbekistan 23.03.2018, № 09/18/205/0921; 14.03.2019, № 09/19/216/2764)

ҲУҚУҚИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ ЖУРНАЛ ПРАВОВЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ JOURNAL OF LAW RESEARCH

**12.00.04 ГРАЖДАНСКОЕ ПРОЦЕССУАЛЬНОЕ ПРАВО. ХОЗЯЙСТВЕННОЕ
ПРОЦЕССУАЛЬНОЕ ПРАВО. ТРЕТЕЙСКИЙ ПРОЦЕСС И МЕДИАЦИЯ**

Эсанова Замира Нормуротовна,
Тошкент давлат юридик университети
Фуқаролик процессуал ва иқтисодий
процессуал ҳуқуқи кафедраси профессори
E-mail: z.esanova@tsul.uz

**СУД ҲУЖЖАТЛАРИ ИЖРОСИНИ ТАЪМИНЛАШ: НАЗАРИЯ
ВА АМАЛИЁТ**

 DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9130-2019-13-12>

АННОТАЦИЯ

Мақолада фуқаролик процессуал ҳуқуқида суд ҳужжатлари институти, суд ҳужжатларини умумий тартибда ва дарҳол ижро этишнинг процессуал масалалари, фуқаролик ишлари бўйича чиқарилган суд ҳужжатларини ихтиёрий ва мажбурий ижро этиш, ижро этиш тартиби ва усуллари, суд ҳужжатларининг асосий ва муҳим тури сифатида ҳал қилув қарори, унга кўйилган талаблар, ҳал қилув қарорининг таркибий қисмлари, уни ижрога қаратиш хусусиятлари, суд ҳужжатлари ижросини таъминлашда соҳадаги айрим муаммолар ва уларнинг ечимига доир фикр-мулоҳазалар ўрин олган.

Калит сўзлар: суд ҳужжатлари ва уларнинг турлари, ихтиёрий ва мажбурий ижро, дарҳол ижро этиш асослари ва тартиби.

Эсанова Замира Нормуротовна,
Профессор кафедры Гражданского
процессуального и экономического
процессуального права Ташкентского
государственного юридического университета
E-mail: z.esanova@tsul.uz

**ОБЕСПЕЧЕНИЕ ИСПОЛНЕНИЯ СУДЕБНЫХ АКТОВ:
ТЕОРИЯ И ПРАКТИКА**

АННОТАЦИЯ

В статье рассматриваются институт судебных актов в гражданском

процессуальном праве, процедурные вопросы общего и немедленного исполнения судебных актов, добровольное и обязательное исполнение судебных актов по гражданским делам, порядок и методы исполнения, основные и важные виды судебных актов. Требования, составляющие решения, особенности его исполнения, некоторые проблемы в области исполнения судебных актов и заключения по их решению.

Ключевые слова: судебные акты и их виды, основания и порядок добровольного и принудительного исполнения, немедленного исполнения.

Esanova Zamira Normurotovna,
Professor of Civil Procedural
and Economic Procedural Law Department
of the Tashkent State University of Law
E-mail: z.esanova@tsul.uz

ENSURING EXECUTIVE JUDICIAL ACTS: THEORY AND PRACTICE

ANNOTATION

This article analyzes the institute of civil procedural law, the procedural issues of common and immediate enforcement of judicial acts, the voluntary and compulsory enforcement of civil court rulings, the order and methods of enforcement, the basic and important types of court decisions. requirements, components of the decision, features of its execution, some problems in the field of enforcement of court documents and opinions on their solution.

Keywords: court documents and their types, voluntary and compulsory execution, grounds and procedures for immediate execution.

For citation: Esanova Zamira Normurotovna. ENSURING EXECUTIVE JUDICIAL ACTS: THEORY AND PRACTICE. 2019, special vol., issue 2, pp. 86-94

Мавзунинг долзарблиги. "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш йўналиш (бўлим) сифатида қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилишга йўналтирилган суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини мустаҳкамлаш, маъмурий, жиноят, фуқаролик ва иқтисодий қонунчиликни, жиноятчиликка қарши курашиш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш тизими самарасини ошириш, суд жараёнида тортишув принципини тўлақонли жорий этиш, юридик ёрдам ва ҳуқуқий хизматлар сифатини тубдан яхшилаш масалалари белгиланган эди [1].

Ҳозирги кунда Ўзбекистонда ижро иши юритуви соҳасида кенг қамровли ислоҳотлар олиб борилаётганлиги ҳеч кимга сир эмас. Чунки суд ва бошқа органлар қарорларининг ижроси ҳамда уларнинг якуний ечими айнан шу тизим орқали охирига етказилади.

Сўнги йилларда мамлакатимизда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислоҳотлари доирасида суд ва бошқа органлар қарорларини мажбурий ижро этиш тизимига

алоҳида эътибор қаратилди. Ўтган йиллар давомида ижро иши юритуви тизимини тартибга солувчи бир қатор ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди. Бироқ ўтган давр таҳлили шуни кўрсатадики, ижро иши юритуви тизимини такомиллаштиришга қаратилган қатор чора-тадбирлар кўрилатганлигига қарамадан, бугунги кунда бу борада кўплаб муаммолар мавжудлиги кўзга ташланади. Хусусан, фуқаролик ва иқтисодий ишлар бўйича суд қарорларини ижро этишнинг ўзига хос хусусиятга эга эканлиги, суд қарорларини ижрога қаратиш муддатларининг бузилиши, тўловга қобилиятсизлик ҳолати, ижро иши юритувини қайта-қайта тўхтатиш ҳолатлари, аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданиятининг юксак даражада бўлмаслиги, фуқаролик мажбуриятларини бажармаслиги, тўлов интизомига риоя қилмаслик ҳолатлари ижро иши юритуви жараёнига салбий таъсир кўрсатмай қолмайди.

Ушбу мавзунини ёритиш орқали суд қарорларини чиқариш, уни ижросини таъминлашнинг назарий ва амалий жиҳатларини таҳлил қилиш ва илмий хулосаларга келиш, бундан ташқари, энг муҳими, янги қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодексининг "Суднинг ҳал қилув қарори" номли 23- боб ҳамда "Суд ҳужжатларининг ижроси" номли 5-бўлим нормаларини янги ракурсда шарҳлаш долзарб аҳамият касб этади.

Назарий қоидалар. Фуқаролик процессуал кодексининг 23-боби (249-270-моддалари) суднинг ҳал қилув қарорига бағишланган бўлиб, биринчи инстанция судининг ишни мазмунан ҳал қиладиган қарорига айтилади. Ҳал қилув қарорлари мазмуни ва шаклига кўра: умумий[13], қўшимча, сиртдан чиқарилган ҳал қилув қарорларига, ижро усули ва муддатига кўра: оддий (умумий қоидага кўра) ва дарҳол ижро этиладиган ҳал қилув қарорларига бўлинади.

Биринчи инстанция суди ишни мазмунан суд мажлисида кўриб бўлгандан кейин ишнинг якуний натижаси сифатида ҳал қилув қарори чиқаради. Фуқаролик процессуал кодексининг 249-моддасига биноан биринчи инстанция судининг ишни мазмунан ҳал қиладиган қарори ҳал қилув қарори шаклида чиқарилади.

Ишни кўрган судьяга суд мажлисининг охириги (яқунловчи) қисмида ҳал қилув қарори чиқариш ва уни эълон қилиш ваколати берилган.

Суд ҳал қилув қарорини Ўзбекистон Республикаси номидан чиқаради. Мазкур талаб одил судлов актига нисбатан қўйилган энг масъулиятли ва жиддий талаб саналади. Процессуал ҳужжатлар ичида ҳукм ва ҳал қилув қарорига нисбатан "Ўзбекистон Республикаси номидан" жумласи қўлланилади. Ушбу талаб фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари давлат томонидан ҳимоя қилиниши, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддаси 13-14 бандларига кўра, "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенатига Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди, Ўзбекистон Республикаси Олий суди таркибларига, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгашининг раиси, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг раиси лавозимларига номзодларни тақдим этади; Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгашининг тақдимида биноан вилоятлар ва Тошкент шаҳар судлари раислари ва раис ўринбосарларини, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий суди раисини тайинлайди ва лавозимларидан озод этади; Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгашининг аъзоларини қонунга мувофиқ тасдиқлайди", деган ваколати мустаҳкамлаб қўйилган.

Бундан ташқари, айнан Фуқаролик процессуал кодексининг 249-моддасида "Суд ҳал қилув қарорини Ўзбекистон Республикаси номидан қабул қилади", деб

кўрсатилган.

Суднинг ҳал қилув қарорини Ўзбекистон Республикаси номидан чиқарилишини ҳал қилув қарорининг қатъий, мажбурий, рад этиб бўлмайдиган хусусиятга эга эканлиги ҳамда назарий ва илмий қоидаларга биноан [12] суднинг ҳал қилув қарорлари, ажримлари, қарорлари қонуний, асосли ва адолатли бўлиши лозимлиги каби хусусиятлар (талаблар) билан изоҳлаш мумкин.

Суднинг ҳал қилув қарори иш кўриб бўлинганидан сўнг дарҳол чиқарилади. Мазкур талаб ҳал қилув қарорини чиқарган судьянинг ва процесс иштирокчиларининг процессуал манфаатларини ҳимоя қилиш, процессуал тартибга қатъий риоя қилиш, ишда иштирок этувчи шахсларнинг ҳал қилув қарори устидан шикоят ва протест бериш муддатларини ўтказиб юбормаслик мақсадларини кўзлайди. Одатда "дарҳол" жумласи шу вақтнинг, шу куннинг ўзида тайёрланиши, алоҳида маслаҳатхонадан чиқиши билан эълон қилиниши ва бу ўз навбатида танаффусларсиз, ҳал қилув қарорини кейинги кунга қолдирмасдан чиқариш ва эълон қилиниши назарда тутади. Алоҳида ҳолларда жуда мураккаб ишлар юзасидан асослантирилган ҳал қилув қарорини тайёрлаш кўпи билан беш кунга кечиктирилиши мумкин, лекин ҳал қилув қарорининг хулоса қисмини суд ишни кўриш тамомланган мажлиснинг ўзидаёқ эълон қилиши керак. Айни бир вақтда суд ишда иштирок этувчи шахслар асослантирилган ҳал қилув қарори билан қачон танишиб чиқишлари мумкинлигини эълон қилади. Ҳал қилув қарорининг эълон қилинган хулоса қисми судья (судьялар) томонидан имзоланади ва ишга кўшиб кўйилади.

ФПКнинг 250-моддаси ҳал қилув қарорини чиқариш жараёнида алоҳида хона (маслаҳатхона) да суд маслаҳатлашувининг сир тутилишини кафолатлайди. Ҳал қилув қарорини қабул қилиш вақтида бошқа шахслар (судьядан ташқари ҳеч кимнинг, хатто суд мажлиси котиби) нинг ҳозир бўлишига йўл қўйилмайди. Бундан ташқари, илмий тадқиқотларда [2, С.832] алоҳида хонада (маслаҳатхонада) ҳал қилув қарори чиқариш вақтида судья (судьялар) нинг телефон ва бошқа алоқа воситалари орқали мазкур масалада ўзга шахслар билан мулоқот қилиши мумкин эмаслиги ҳақида фикрлар билдирилган.

Юридик адабиётларда таъкидланганидек [3], ҳал қилув қарорлари ижро усули ва муддатига кўра умумий асосларда ва дарҳол ижрога қаратилади.

Умумий асосларда ижро этиш деганда процессуал қонун ҳужжатларида қонуний кучга киргач, ижрога қаратилиши назарда тутилади. Дарҳол ижрода эса ҳал қилув қарори қонун бўйича [4] дарҳол ижро этилиши лозим бўлган ҳолларда ёки ҳал қилув қарорининг дарҳол ижрога қаратилиши суд томонидан йўл қўйилган бўлса [5], бу ҳақда ҳал қилув қарорининг асослантирувчи ва хулоса қисмида кўрсатилади. Суднинг ҳаволаси бўйича ҳал қилув қарорини дарҳол ижрога қаратиш зарурияти, ҳал қилув қарорининг ижросини кечиктириш ундирувчи учун кўп зарар келтириши мумкин бўладиган ёки ижро этиш мумкин бўлмай қоладиган ҳолатлар келтирилган ҳолда асослантирилиши лозим (масалан, даъвогарга ундирилган мулкнинг йўқотилиши ёхуд бегоналаштирилиши).

Зарур ҳолларда суд, даъвогарнинг розилиги билан суднинг ҳал қилув қарори бекор қилинганда, унинг қайтарма ижросини таъминлаш чораларини кўриши мумкин. Суд ҳал қилув қарорини дарҳол ижрога қаратиш масаласини у қабул қилинганидан сўнг ҳам, ишда иштирок этувчи шахсларни хабардор қилган ҳолда суд мажлисида кўриб чиқиши мумкин. Бироқ, уларнинг келмаганлиги ушбу

масалани ҳал қилиш учун тўсқинлик қилмайди. Ҳал қилув қарорини дарҳол ижрога қаратиш ҳақидаги ажрим маслаҳатхонада чиқарилади ва ишга қўшиб қўйилади [6].

Суд амалиёти материаллари таҳлиliga эътибор қаратсак, [7] умумий кўриб чиқилган суд ҳужжатларининг 11 фоизи дарҳол ижро қилиниши лозим бўлган суд қарорлари сифатида кўрсатилган, шулардан энг юқориси, яъни 9.3 фоизи суд буйруқлари бўлиб, қолгани қонунда белгиланган суднинг ҳал қилув қарорларига тўғри келган. Уларнинг ичида даъвогар ва жавобгарнинг розилиги асосида дарҳол ижрога йўл қўйилиши мумкин бўлган ҳал қилув қарорлари алоҳида аҳамият касб этади. Бундай ҳолларда тарафларнинг аризаси асосида ва суд мажлиси баённомасига киритилган ҳолда масала ҳал қилинади.

Фуқаролик процессуал кодексининг 264-моддасида кўрсатилишича, суднинг ҳал қилув қарори, агар унинг устидан шикоят қилинмаган (протест келтирилмаган) бўлса, апелляция шикояти (протести) бериш муддати ўтганидан кейин қонуний кучга киради. Ҳал қилув қарори устидан апелляция шикояти (протести) берилган тақдирда, ҳал қилув қарори, агар у бекор қилинмаган бўлса, ишни юқори инстанция суди кўриб чиққанидан кейин қонуний кучга киради.

Фуқаролик процессуал кодексининг 265-моддасига кўра, суднинг ҳал қилув қарори қонуний кучга кирганидан кейин ижро этилади, бундан дарҳол ижро этиш ҳоллари мустасно.

Фуқаролик процессуал кодексининг 266-моддасида дарҳол ижро этилиши шарт бўлган ҳал қилув қарорлари кўрсатилган бўлиб, унга кўра алиментлар ундириш тўғрисидаги; ходимга уч ойлик иш ҳақидан ортиқ бўлмаган иш ҳақини ундириб бериш тўғрисидаги; майиб бўлганлик ёки соғлиққа бошқача тарзда шикаст етиши, шунингдек боқувчисининг ўлими натижасида кўрилган зарарни қоплаш учун тўловлар ундириш тўғрисидаги; меҳнат шартномаси гайриқонуний равишда бекор қилинган ходимни ёки гайриқонуний равишда бошқа ишга ўтказилган ходимни аввалги ишига тиклаш тўғрисидаги, шунингдек меҳнат шартномасини бекор қилиш асосларининг таърифини ўзгартириш тўғрисидаги; сил касаллигининг юқумли шаклига чалинган шахсни сил касаллигига қарши кураш муассасасининг ихтисослаштирилган бўлимига гайриихтиёрий тартибда ётқизиш тўғрисидаги ёки унинг ушбу муассасада ётиши муддатини узайтириш тўғрисидаги [8] судда ишни кўриш вақтида жавобгар даъвони бутунлай ёки қисман тан олганлигига қараб, тўлиқ ёки қисман қаноатлантирилган талаблар бўйича чиқарилган ҳал қилув қарорлари дарҳол ижро этилади.

Қонун дарҳол ижро этилиши лозим бўлган ҳал қилув қарорларини белгилашда фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоясини таъминлаш, уларнинг оилавий ва моддий шароитини ҳисобга олиш, фуқаролик ишининг давлат ва жамият учун фойдалилик хусусияти, фуқаролик ишининг ижтимоий-сиёсий аҳамиятини эътиборга олади. Масалан [9], даъвогар Ноёбова Робия Собировна[11]нинг жавобгар Ноёбов Абдулла Алиевичга нисбатан алимент ундириш тўғрисидаги 1-3705/17 сонли фуқаролик ишини кўриб чиқиб, даъвогар Ноёбова Робия Собировнанинг жавобгар Ноёбов Абдулла Алиевичга нисбатан алимент ундириш ҳақидаги даъво талаблари қаноатлантирилиши, жавобгар Ноёбов Абдулла Алиевичдан даъвогар Ноёбова Робия Собировна фойдасига 06.10.2005 йилда туғилган Ноёбов Жавлон Абдуллаевич 10.07.2007 йилда туғилган Ноёбов Олим Абдулла ўглининг таъминоти учун то улар вояга етгунига қадар ҳар ойлик иш

ҳақи ва бошқа даромадининг 1/3 қисми миқдорида 2017 йил 13 апрелдан бошлаб алимент ундирилиши, жавобгар Ноёбов Абдулла Алиевичдан давлат фойдасига давлат божи ундирилиши, мазкур ҳал қилув қарори дарҳол ижро этилиши, ҳал қилув қароридан норози томонлар 20 кунлик муддат ичида мазкур суд орқали Тошкент шаҳар фуқаролик ишлари бўйича судига апелляция тартибида шикоят ёки протест келтиришга ҳақли эканлиги белгиланган.

Ҳал қилув қарорининг хулоса қисмида ушбу қарорнинг дарҳол ижро этилиши кўрсатиб ўтилади.

Суд қарорларини дарҳол ижро этишнинг афзалликлари:

- Ҳал қилув қарори ижросини таъминлашда тезкорликни оширади;
- Тарафларнинг (айниқса ундирувчининг) оилавий ва моддий имкониятларини ҳисобга олади;
- Ижрони кечиктириш, кейинга қолдириш ёки тўхтатиш ҳолатлари келиб чиқиши мумкин бўлган зарарларнинг олдини олиш ёки ижронинг бажарилиши мумкин бўлмай қолган ҳолатларни олдини олади;
- Фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишни кучайтиради, судда процессуал ҳуқуқ ва мажбуриятларнинг такроран бузилишини олдини олади;
- Одил судловни юритишни ижобий яқунланишига олиб келади.

Илмий тадқиқотларда [10] дарҳол ижро этиш муддатини оқилона муддат деб ҳисобласак бўладими?, деган ҳақли савол туғилади. Таҳлилларга кўра, оқилона муддат вазиятни таҳлил қиладиган, субъектлар манфаатлари ҳисобга олинган, тез бажариш имконияти бўлган, қисқартирилган муддат саналади. Қонун ҳужжатларида объектив ва субъектив ҳолатлар ҳисобга олиниб, дарҳол ижро қилиниши шарт бўлган ва дарҳол ижро қилиниши мумкин бўлган ҳолатлар (фуқаролик ишлари) тоифаларга ажратилган.

Ҳал қилув қарорининг дарҳол ижро этилишига суднинг йўл қўйиш ҳуқуқи ҳақида Фуқаролик процессуал кодексининг 267-моддасида кўрсатилган бўлиб, унга кўра суд қуйидаги ҳал қилув қарорлари бутунлай ёки қисман дарҳол ижро этилишига йўл қўйиши мумкин: даъвогар ва жавобгар чиқарилган ҳал қилув қарорига ҳамда унинг дарҳол ижро этилишига рози бўлган ҳолларда; муаллифнинг интеллектуал фаолияти натижаларидан фойдаланганлик учун унга ҳақ ундириб бериш тўғрисидаги ҳал қилув қарори; алоҳида ҳолатлар натижасида ҳал қилув қарорининг ижросини кечиктириш ундирувчи учун кўп зарар келтириши мумкин бўлган ёки ижро этиш мумкин бўлмай қолган барча бошқа ишлар бўйича.

Юқоридаги модда мазмунига кўра, ҳал қилув қарорининг дарҳол ижро этилишига суднинг йўл қўйиш ҳуқуқи назарда тутилади. Кўрсатилган асосларга кўра даъвогар ва жавобгарнинг ҳуқуқ ва манфаатлари нуқтаи назаридан дарҳол ижро этишга уларнинг аризалари ва розиликлари асос бўлади.

Процессуал кодексда кўрсатилган асослар бўйича дарҳол ижро этилишига йўл қўйилган тақдирда, тарафларнинг розилиги суд мажлисининг баённомасига киритилади ва тарафлар томонидан имзоланади. Агар тарафларнинг розилиги суд номига юборилган ёзма аризаларда ифодаланган бўлса, бу аризалар ишга қўшиб қўйилади, бу ҳақда суд мажлисининг баённомасида кўрсатилади.

Қонунда кўрсатилган асослар бўйича ҳал қилув қарорининг дарҳол ижро этилишига йўл қўйилганида суд даъвогардан суднинг қарори бекор қилинган тақдирда, ундирилган нарсалар қайтарилишини таъминлашни талаб қилиши мумкин.

Ҳал қилув қарори чиқарилгандан сўнг апелляция шикоятни бериш ва протест келтириш муддати ичида ҳал қилув қарорининг дарҳол ижро этилишига йўл қўйиш масаласи ишда иштирок этувчи шахслар хабардор қилинган ҳолда суд мажлисида кўриб чиқилади. Бироқ, бу шахсларнинг келмаслиги дарҳол ижро этиш масаласини ҳал қилишга тўсқинлик қилмайди.

Ҳал қилув қарорини дарҳол ижро этиш масаласи бўйича суднинг чиқарган ажрими устидан хусусий шикоят берилиши ёки хусусий протест келтирилиши мумкин. Ҳал қилув қарорини дарҳол ижро этиш тўғрисидаги ажрим устидан берилган хусусий шикоят ёки келтирилган протест бу ажримнинг ижросини тўхтатмайди.

Фуқаролик процессуал кодексининг 268-моддасида ҳал қилув қарорининг дарҳол ижро этилишига йўл қўйилмаслигини назарда тутаяди. Мазкур талаблар ўз мазмунига кўра, дарҳол ижронинг рад этади ҳамда дарҳол ижро қилиш даъво предметини ўзгаришига олиб келади ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадини кўзлайди.

Хусусан, қуйидаги ҳолларда ҳал қилув қарорининг дарҳол ижро этилишига йўл қўйилмайди:

1) дарҳол ижро этиш натижасида мулкнинг ҳолати ўзгариб, ҳал қилув қарори бекор қилинган тақдирда мол-мулкни илгариги ҳолатига келтириш мумкин бўлмаса ёки жуда қийин бўлса; 2) фуқароларни бинодан кўчириш тўғрисидаги ишларга тааллуқли бўлса.

Ҳал қилув қарорини дарҳол ижро этиш масаласи бўйича судья ажрим чиқаради. Ҳал қилув қарорини дарҳол ижро этиш алоҳида процессуал ҳужжат кўринишида чиқарилиши шарт бўлган ажримлар тоифасига киради.

Соҳага оид муаммолар. Таҳлиллар шуни кўрсатадики, дарҳол ижро этиладиган суд қарорларини ижросини таъминлаш жараёнида қуйидаги айрим муаммолар учрайди: жавобгар яшаш манзилининг ўзгарганлиги ёки берилган яшаш манзилида жавобгарнинг яшамаслиги; айнан қайси қарздор (юримдик шахс) дан ёки унинг бўлими (филиали) дан ундиришнинг номаълумлиги, аксарият ҳолатларда ижро варақаси келган суддан тушунтириш сўралиши ва бошқалар суд қарорларини дарҳол ижросини таъминлашга тўсқинлик қилади.

Таклиф ва тавсиялар.

Биринчи, Фуқаролик процессуал кодексининг 179-моддасига кўра, алимент ундириш ва ходимга уч ойлик иш ҳақидан ортиқ бўлмаган иш ҳақини ундириб бериш тўғрисидаги суд буйруқлари дарҳол ижро этилиши лозимлиги кўрсатилган. Фуқаролик процессуал кодексининг 266-моддасида кўрсатилган дарҳол ижро этилиши лозим бўлган ҳал қилув қарорлари жумласига ушбу модданинг биринчи қисми 1 ва 2-бандларида айнан "алимент ундириш ва ходимга уч ойлик иш ҳақидан ортиқ бўлмаган иш ҳақини ундириб бериш тўғрисидаги" нормалар киритилган. Аммо бу икки тоифадаги суд буйруғи ҳал қилув қарорлари тури эмас, балки ўзи мустақил суд ҳужжати сифатида Фуқаролик процессуал кодексининг 6-моддасида мустаҳкамланган. Юқоридаги айрим тафовутларни ҳисобга олиб, уларни бартараф этиш мақсадида Фуқаролик процессуал кодексининг 266-моддаси номини "Дарҳол ижро этилиши лозим бўлган суд қарорлари", деб берилиши мақсадга мувофиқ. Айни пайтда бу ерда Фуқаролик процессуал кодексининг 6-моддасига мувофиқлаштириш мақсадида "Дарҳол ижро этилиши лозим бўлган суд ҳужжатлари", деб берилиши ҳам мумкин эди. Бироқ "Суд ҳужжатлари" жуда

кенг қамровли тушунча бўлиб, унинг доирасига ишни мазмунан ҳал қиладиган ва ҳал қилмайдиган, шунингдек судга оид барча ҳужжатлар (чақириқ хатлари, суд баённомалари ва бошқ) киради. Суд қарорлари эса ишни фақат якуни бўйича чиқариладиган, ишни мазмунан ҳал қилиш ваколатига эга бўлган суд қарорлари (ҳал қилув қарори, ажрим, қарор ва буйруқ) назарда тутилади.

Иккинчи, Фуқаролик процессуал кодексининг 267-моддаси биринчи қисмида кўрсатилган "... ҳал қилув қарорлари, бутунлай ёки қисман дарҳол ижро этилишига йўл қўйилиши мумкин"лиги ҳақида масала мажбурий ижро амалиётида баъзи муаммоларни, тушунмовчиликларни келтириб чиқармоқда. Ушбу ҳолат 267-модда биринчи қисми 1-банди бўйича "даъвогар ва жавобгар чиқарилган ҳал қилув қарорига ҳамда унинг дарҳол ижро этилишига рози бўлган ҳолларда" оила ҳуқуқий, меҳнатга оид муносабатлар билан боғлиқ низолар бўйича чиқарилган суд ҳал қилув қарорларини ижросини таъминлашда учрамоқда. Шу боис ушбу модда биринчи қисмини "Ҳал қилув қарорларини дарҳол ижро этилишига йўл қўйилиши мумкин", деб берилиши мақсадга мувофиқ.

Иқтибослар/Сноски/References

1. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда (Collection of Legislation of the Republic of Uzbekistan, 2017, № 6, Article 70)
2. Афанасьев, А. И. Зайцев.- 6-е изд., перераб. и доп.- Москва : Издательство Юрайт, 2018.- 522 с. (Бакалавр. Академический курс). ISBN 978-5-9916-2671-2. Текст : электронный // ЭБС Юрайт [сайт]. URL: <https://biblio-online.ru/bcode/412706> (муружаат вақти 07.10.19.й) (Afanasev, A. I. Zaitsev. - Moscow: Izdatelstvo Yurayt, 2018.- 522 p. (Bachelor. Academic course). ISBN 978-5-9916-2671-2. Text: electronic // EBS Yurayt. URL: <https://biblio-online.ru/bcode/412706> (accessed 07.10.19.y)).
3. Гражданский процесс: Учебник / Под ред. М.К. Треушниковой.- 6-е изд., перераб. и доп. - М.: Издательский Дом "Городец", 2018. - 832 с.; Гражданский процесс. Учебник / А.А. Демичев, О.В. Исаенкова, М.В. Карпычев and others; Под ред. А.А. Демичева. - 2-е изд., перераб. и доп. - М. : ИД "ФОРУМ" : ИНФРА-М, 2019. - 319 с (The Civil Procedure: Textbook / Red: М.К. Treushnikova. - Moscow: Izdatelsky Dom "Gorodets", 2018. - 832 p; Civil procedure. Textbook / А.А. Demichev, О.В. Isaenkova, М.В. Karpychev and others; Red: А.А. Demicheva. - Moscow: ID "FORUM": INFRA-M, 2019. - 319 p.)
4. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 266-моддаси (Article 266 of the Code of Civil Procedure of the Republic of Uzbekistan).
5. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 267-моддаси (Article 267 of the Code of Civil Procedure of the Republic of Uzbekistan).
6. Ўзбекистон Республикаси Олий судининг 2019 йил 24 майдаги "Суднинг ҳал қилув қарори ҳақида"ги Пленум қарори (Plenum resolution of the Supreme Court of the Republic of Uzbekistan on May 24, 2019 "On the Court's decision").
7. Ўзбекистон Республикаси Олий судидан 2017 йил ишчи гуруҳи фойдаланиши учун олинган статистик таҳлил материаллари (Statistical analysis materials from the Supreme Court of the Republic of Uzbekistan for the use of the Working Group 2017).
8. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 266-моддаси биринчи қисми 5-банди // Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 30 апрелдаги

ЎРҚ-352-сонли Қонунига асосан 41-банд билан тўлдирилган - ЎР ҚХТ, 2013 й., 18-сон, 233-модда (Paragraph 5 of Part 266 of the Code of Civil Procedure of the Republic of Uzbekistan // The Law of the Republic of Uzbekistan of April 30, 2013 № DRU-352 is supplemented with Point 41 - RUz, 2013, № 18, article 233).

9. Фуқаролик ишлари бўйича Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек туманлараро судининг 2017 йил 07 июндаги ҳал қилув қарори (Decision of the Mirzo-Ulugbek Interdistrict Court of Civil Affairs of Tashkent dated June 7, 2017).

10. Мусаева А.Г., Синцов Г.В. Исполненные судебных актов как составная часть права граждан на судопроизводство в разумный срок. /СYBERLENINKA/ Электронная версия (Musaeva AG, Sintsov G.V. Click here to add to your frequency band / SYBERLENINKA / Electronic version).

11. Мақола матнида тарафларнинг Ф.И.Ш.лари шартли равишда ўзгартирилган.

12.Изоҳ: Шу кунга қадар Фуқаролик процессуал қонун ҳужжатларида суд ҳужжатларига нисбатан учта талаб кўрсатилган эди. Ҳозирда ушбу талабларни фақат ФПКнинг 373 ва 374-моддаларида (4-бўлим. "Суд ҳужжатларини қайта кўриш") Суд ҳужжатининг қонуний, асосли, адолатли эканлигини текшириш ҳақида мурожаат қилиш ҳуқуқи (373-модда); Суд ҳужжатининг қонуний, асосли, адолатли эканлиги юзасидан текшириш қўзғатиш (374-модда)ларда кўриш мумкин.

13.Изоҳ: умумий деганда ҳал қилув қарорининг ўзи назарда тутилади.



Tadqiqot UZ

ISSN 2181-9130

Doi Journal 10.26739/2181-9130

ҲУҚУҚИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

ЖУРНАЛ ПРАВОВЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ

JOURNAL OF LAW RESEARCH

МАХСУС СОҲ

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz

ООО Tadqiqot город Ташкент,
улица Амир Темуր пр.1, дом-2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz

Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000